

КУЗ КУНЛАРИНИНГ БИРИДА

Дима эски "Запорожец"нинг давлат рақами — номерини ечиб келди. Сўнг "Нексия" номерини ечиб, ўрнига ўша "Запорожец"га тегишли давлат рақамини тақиб қўйди. Автомашина ва ҳайдовчига тегишли ҳужжатларни эса ёқиб юбориши.

8 бет

КЎРМАГАННИНГ КЎРГАНИ...

Баъзи бировлар мансаб курсисига ўтиргач, ўзгариб қолишади. Бунга элдошларимиз "Кўрмаганнинг кўргани курсин" қабилади таърифлашади. Улар мансабни даромад манбаи деб ҳисоблайдилар ҳамма ҳар қандай йўл билан мўмай даромад қилиш, янги уй қуриш, машина олиш пайида бўладилар.

9 бет

Ўзбекистон

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2011-yil 9-iyun, №23 (752)

БУЮК ВА МУҚАДДАСАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Наманган шаҳри

Адолат устувор юртда

Баҳодир УМАРОВ,
Наманган вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари

Истиқлолимизга йигирма йил тўмоқда. Ўтган тарихан қисқа даврда жамиятимизда, ҳаётимизда адолатнинг тантанасига мулоим шоҳид бўлиб келмоқдамиз. Сабаби аён: бутун савий-ҳаракатларимиз, мақсад-муддаоларимиз, орзу-истакларимиз, интилишларимиз туфайли Ўзбекистонимиз жаҳон ҳамжамиятининг илғор қатламига юзланди. Юртбошимиз раҳнамолигида яратилган қонунларимиз негизда умуминсоний қадриятлар, миллий аъналаримиз ҳамда умумтараққиётимиз манфаатлари ётганлигини дунё жамоатчилиги ва кўпмиллатли халқимиз бугунги кунда яққол ҳис этаётгани қалбларга ғурур бағишлайди.

Истиқлол туфайли халқимиз онгидан чуқур маънавий-руҳий ислохот амалга ошди. Булар аҳолининг қонунларимизга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, прокуратура тизими муносабатларида кўринмоқда. Бугунги кескин глобаллашув жараёнида тенглар ичра тенг, келажак авлодлар - фарзандларимиз тақдирини хотиржам бўла олиш учун, озод ва обод юрт қолдириш учун фақат қонунларга таяниб яшаш зарурат эканлигини фуқароларимиз англаб етмоқдалар.

Барчага аён бўлганидек, энг олий мақсадимиз ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишдир. Табиийки, бундай жамиятда барча мақсадлар фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари муҳофазасига қаратилади. Бугун юртимизда кечаётган ҳуқуқий ислохотлар, амалга киритилаётган қонунлар, қарор ва фармонлар шунга йўналтирилган.

Қарийб 20 йилдирки, прокуратура органлари ҳам ана шу масъулиятни ҳис этиб фаолият олиб бормоқдалар. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза қилиш, қишлоқ ҳўжалиги соҳасига оид қонунлар ижроси, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, вояга етмаганлар ҳаёти, ариза ва шикоятлар билан ишлаш, ижтимоий ҳимоя масаласи, умуман, тизим зиммасига юклатилган кенг қамровли фаолиятнинг барча қирраларида кўринад.

Вилоят мисолида фикр юратидиган

/Давоми 4-бетда/

Қарор ижросига бағишланди

Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Huquq»

Мустақилликнинг ilk йилларидан бошлаб аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2011 йил 30 майдаги "2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳам ана шу мақсадларга йўналтирилган.

Жорий йилнинг 8 июнь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан ташкил этилган семинар ҳам айнан ушбу қарорнинг моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди.

Таъкидланганидек, давлат қурилиши дастурининг ва Ўзбекистонни иқтисодий ислохотнинг бутун ўзагини мамлакат Президенти Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш асосий тамойил ташкил этади. Унда аҳолининг турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда, фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни олдидан амалга ошириш лозимлиги қайд этилган эди.

Танланган макроиқтисодий йўл аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож табақаларига иқтисодий мадад бериш орқали фуқароларнинг осойишталигини ва миллатлараро тотувлиқни таъминлашнинг, ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг кафолати, аҳолининг энг кам даромадли табақаларига - ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар, яъни иқтисодий ўтиш шароитида қийин аҳволга тушиб қолган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий

ҳимоялаш тизимининг асосий йўналиши бўлиб қолди.

Семинарда Президентнинг ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни манзилли ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, ижтимоий хизматлар турларини кенгайтириш, уй-жой ва машиий шароитларини янада яхшилаш мақсадида қабул қилинган қарори мамлакатимизда бу қатлам вакиллари қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этиши эътироф этилди.

Шунингдек, мазкур қарор доирасида "Саховат" ва "Муруват" уйлари-нинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 13 та янги ётоқхона бинолари қурилиб, мавжуд 8 та муассасада қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Бу ишлар учун 30,4 млрд. сўм бюджет маблағлари сарфланиши кўзда тутилган.

Семинарда Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Иқтисодиёт, Молия, Соғлиқни сақлаш вазирликларининг масъул ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбиркорга ҳуқуқий муҳофаза лозим

Республикамизнинг барқарор ривожланишида ва иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва мавқеи ошиб бормоқда. Бу соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳам ижобий натижа бераётганини яхши биламиз. Бу ўз ўрнида янги иш ўринлари яратилиши билан бирга сифатли махсулотлар ишлаб чиқаришга ҳам сабаб бўлмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа

ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожига алоҳида ўрин эгаллайди".

Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси Олий ўқув курслари ташаббуси билан Самарқанд вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган "Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари: назарий ва амалий" мавзусидаги минтақавий илмий-амалий конференцияда ҳам асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига оид қонун ҳужжатлари ва тадбиркорларга яратилаётган шарт-шароитларга қаратилди.

/Давоми 3-бетда/

Амалий ёрдам туфайли

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар нафақат аҳолининг турмуш тарзи ахшланишида, қолаверса, юртимизнинг ҳам тобора ривожланиб боришида аққол намоён бўлмоқда. Жумладан, Президентимиз томонидан жорий йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши бунинг тасдиғидир. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури қабул қилиниб, барча жойларда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалардан бири — аҳолимизни, авваламбор, ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тез ва жадал суръатлар билан ривожлантиришдир.

Фаолиятимизда асосий эътибор тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, шу билан бирга, солиқ ва валютага оид жиноятларнинг олдини олиш, уларни содир этишга олиб келган сабаб ва шарт-шароитларга барҳам беришга қаратилмоқда.

Шу билан бир вақтда қонунчиликда тақиқланмаган ишлаб чиқариш билан яширин, белгиланган тартибга зид равишда шуғулланаётганлар фаолиятига барҳам бериш, уларни солиқ тўловчи сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш, фаолиятига қонуний тус бериш, қўшимча иш ўринлари яратиш учун лозим бўлган чоралар қўриб келинмоқда.

Натижада муқаддам ноқонуний фаолият юритган, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини тўхтатган хўжалик юритувчи субъектлардан 15 тасига амалий ёрдам кўрсатилиб, уларда 53 та янги иш ўринларининг яратилишига эришилди. Масалан, Навбахор туманидаги ўз фаолиятини тўхтат-

Б. ЯКУБОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Навоий вилоят бошқармаси бошлиғи

ган "Ҳақиқат" фермер хўжалигига амалий ёрдам кўрсатилиши натижасида корхона фаолиятини қайта тиклаб, сут маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғуллана бошлади ва корхонада 8 та янги иш ўрни ташкил қилинди.

Шунингдек, Хатирчи туманида муқаддам ноқонуний равишда оҳақ маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган фуқаро Х.Жўраевага амалдаги қонун ҳужжатлари юзасидан тушунтириш берилиши натижасида у "Худдон оҳағи" номли хусусий корхона ташкил этиб, оҳақ маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланмоқда. Бу корхонада 3 та янги иш ўринлари ташкил қилинди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий манфаатларини амалда самарали ҳимоя қилиш, уларнинг эркинликларини чекловчи ҳар қандай бюрократик тўсиқларга барҳам бериш ва улар фаолиятига ноқонуний аралашиларга йўл қўймаслик мақсадида олиб берилган тезкор-қидирув ва таҳлилий тадбирлар натижасида 4 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. 105 та жиноят фош этилди, 133 млн. 517,1 минг сўмлик ноқонуний товарлар олиб

қўйилди. Бюджетга 3 млрд. 635,5 млн. сўм қўшимча маблағлар ҳисобланиб, 1 млрд. 51,5 млн. сўм ундирилиши тасмилланди.

Нормал иқтисодий муносабатларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётган коррупциянинг барча кўринишларига нисбатан кенг қаровли тезкор-қидирув тадбирлари ташкил қилиниб, мансаб ваколатларини суистеъмол қилган 4 нафар банк ва 7 нафар бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимларининг жиноятлари фош этилди.

Хорижий валютанинг ноқонуний муомалада бўлиши ва уларни айирбошлаш билан боғлиқ тадбирлар натижасида 14 та ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, 9 та жиноят, 5 та маъмурий иш қўзғатилди.

Ўширин ишлаб чиқариш билан шуғулланувчиларни аниқлаш, уларнинг ноқонуний фаолиятига барҳам бериш борасидаги тадбирларда 14 та ҳолат аниқланиб, улардан ноқонуний ишлаб чиқарилган 6 млн. 533,3 минг сўмлик маҳсулот ва жиҳозлар олинди. 17 млрд. 677,1 млн. сўм нақд пулларнинг банкдан ташқари ноқонуний айланмаси аниқланиб, ушбу ҳолатлар бўйича 31 та жиноят иши қўзғатилди.

Импорт товарларининг ноқонуний олиб кирилиши ва савдога чиқарилиши билан боғлиқ 4 та жиноят иши қўзғатилди, ноқонуний муомаладан 42 млн. 800 минг сўмлик импорт товарлар олиб қўйилди.

Этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний муомалага киритиш билан боғлиқ 6 та жиноят иши қўзғатилди ва 2 млн. 280,5 минг сўмлик маҳсулотлар олиб қўйилди. Жиноий даромадларни легаллаштиришга оид 2 та жиноят иши қўзғатилди.

Қонунбузилишлар бартараф этилади

Хайрулло АСЛАНОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Ангор туман бўлими бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида фуқароларнинг қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурият белгиланган. Ушбу норма Солиқ кодексида ҳам ўз ифодасини топган.

Қонун билан белгиланган солиқ ҳамда маҳаллий йиғимларни тўлаш борасидаги конституциявий мажбурият жамиятда яшаётган ва давлат фаолиятининг натижаларидан фойдаланаётган ҳар бир фуқаро учун оддий талаб ҳисобланади. Уз навбатида солиқлар ҳам кимнингдир боийиши учун эмас, балки миллий салоҳиятимизга, келажагимизга хизмат қилади. Ўш айлдони ўқитиб, билимли қилиш, соғлигини сақлаш, маънавий баркамол бўлишини таъминлаш, аҳоли эҳтиёжларини қондириш мақсадида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантириш каби тадбирларга сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси томонидан мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, яширин иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи шахсларни фош этиб, бюджет ва бюджетдан ташқари мажбурий тўловлар ҳамда йиғимларни таъминлаш ва давлат манфаатларига етказилган зарарларни ундириш чоралари мунтазам қўриб келинмоқда.

Чунончи, Департаментнинг Ангор туман бўлими ходимлари томонидан тумандаги "Ангор-АҚФА" кўп тармоқли хусусий корхонасининг фаолияти таҳлил қилинганди; корхона раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 7-бўлими 35-бўб 197-моддасига зид равишда 2009-2010 йиллар якуни бўйича туман ДСИга ҳисобот топширилмасдан, жами 401 млн. 401 минг сўмлик қўшилган қиймат солигини давлат бюджетига тўлашдан қасддан бўйин товлаб келинганлиги аниқланган.

Маъзур ҳолат юзасидан, "Ангор АҚФА" хусусий корхонаси масъул шахсларига нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тайинланган ҳужжатли тафтиш натижасида 35 млн. 882 минг сўм қўшимча солиқ ва 3 млн. 766 минг сўм молиявий жарималар ҳисобланиб, 17 млн. 559 минг сўми давлат бюджетига ундирилди.

Шунингдек, "Янги турмуш" маҳалласида жойлашган "Жайхун Ангор" хусусий корхонасига тегишли автомобилларга ёқилғи қўйиш шох-бўчаси ҳудудида ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро С.Отакурбонов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) муқаддам судланган бўлсада, бундан ўзига тегишли ҳулоса чиқармай, доимий равишда ноқонуний валюта савдоси билан шуғулланиб, жиноий фаолиятдан тушган даромадлари эвазига сотиб олган "Ласетти" русумли автомашинасига фуқаро Б.Қушанова ҳар бир АҚШ доллари 2350 сўмдан сотиб олиб бериш эвазига олдиндан 20 млн. сўм олиб, автомашина юқонасига жойлаштирилганлиги аниқланган.

Тадбир давомида, ундан 27 млн. 900 минг сўм пул, 3 минг Россия рубли, 6900 Қозоқ тенгаси, 50 АҚШ доллари ҳамда 4 донга фуқаролар билан валюта олдир-сотдосини ёзиб борган дафтарлар ҳолислар иштирокида ашёвий далил сифатида олинган.

Маъзур ҳолат юзасидан, жиноят иши қўзғатилиб, айбдорга нисбатан тегишли чора қўрилди.

Қонунга бўйсунган ютади

Ҳақ ва давлат бирлиги, аввало, шу давлатда адолат устунлиги билан ўлчанади. Юртимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аҳолининг яшаш тарзини ахшлатиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини самарали муҳофаза қилиш борасида қўллаб-қувватлаш келинмоқда.

Булунғур туманида яшовчи А.Сулaimонов хусусий новвойлик билан шуғулланиб келган. "Марказгазтаъминот" УК Булунғур филиали участкаси ходими Ш.Сатторов новвойига нисбатан 1 млн. 18 минг сўм жарима қўллаш бўйича асосиз далолатнома тузган. Бу далолатномани йўқ қилиш учун эса 100 минг сўм пора талаб қилган шоввоз, охир-оқибат жиноят устида қўлга тушди. Текширилларда Ш.Сатторов муқаддам ҳам суистеъмолчиликка йўл қўйиб келганлиги аниқланди. Ҳақоролар томонидан тўланган 4 млн. 110 минг сўм нақд пулдан 2 млн. 237 минг сўмини банкка топшириб, қолганини ўз жимилдонига урган. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланган 620 минг сўмдан 20 мингини банкка топшириб, қолган 600 мингини ўзлаштириб юборган.

Ш.Сатторов суд ҳукми билан 5 йил 6 ойга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, "Булунғур" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган текширишда маҳалла раиси Н.Қўлдошева котиб И.Боймуродов билан тил бириктириб, ҳужжатларни сохталаштиргани аниқланди. Улар сохта ҳужжатлар ёрдамида 3 млн. 317 минг 602 сўмлик нафақа

пулларини ўзлаштириб юборишган.

Шу билан бирга, "Каттақишлоқ" маҳалла фуқаролар йиғини текширилганда, ҳеч қаерда ишламайдиган Ш.Қаршанов сохта маълумотнома ёрдамида 512 минг сўмлик болани икки ёшга тўлгунга қадар парвариш қилиш учун бериладиган нафақа пулларини қўлга киритиб келганлиги маълум бўлди. Улар ҳам тегишли жазага тортилди.

Бу каби қонунбузилишлар Булунғур туманидаги айрим молия маассасаларида ҳам содир бўлаётган экан. ОАТБ "Агробанк" Булунғур филиали бош ҳисобчиси Н.Худойбердиев кингир ишга қўл урган. Шу филалдан ҳисоб рақам очиб, умуман пул операцияларини ўтказмаган ҳамда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган "Диёр" фирмаси 5 йил давомида Давлат Солиқ инспекциясига ахборот тақдим қилмаган. "Шержахон Худойбердиев" хусусий фирмаси ҳам шу йўлдан борган. Уларга эса Н.Худойбердиев имконият яратиб берган.

Қонунлар жамият ва ҳақ учун яратилади. Унга риоя қилган ютади. Қонунга беписандларга эса юқорида келтирилган мисоллар сабоқ бўлади деб ўйлаймиз.

Улғабек РАЖАБОВ,
Булунғур туман прокурори
Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
«Huquq»

Жиноят жазосиз қолмайди

Трансмиллий жиноятларнинг барчани бирдек ташвишга солаётгани айни ҳақиқат. Президентимиз "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" номи асарига "Енгил йўл" билан жуза катта боийк орттириш шарпаси турли мамлакатларгаги жиноятчи унсурларнинг бirlaшишига, ҳаққор жиноятчи ҳамжамиятлар пайдо бўлишига олиб келишини кўрсатувчи мисоллар бутун дунё амалиётима етарли. Уларнинг фаолият соҳаси барчага маълум: у нопок пул топиш имкони бўлган ҳамма жойда кўламлидан, деганида нечоғал ҳақ эканини бутун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Дарҳақиқат, бу каби жиноятларни таг-томири билан сугуриш, уларга қарши курашишда мамлакатимизда етарлича чора-тадбирлар қўрилмақда.

Хусусан, Янгиер шаҳрида ҳам ана шундай трансмиллий жиноятлар сирасига кирувчи гиёҳвандлик воситаларини олиш, сотиш ва воситачилик қилишга йўл қўймаслик мақсадида назорат тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, фуқаро О.Худойқулов-

нинг гиёҳвандлик воситаларини сотиш билан шуғулланаётганлиги аниқланиб, тинтув ўтказилганда, унинг ёнидан қонғоз парчасига ўралган "марихуана" ва "гашиш" гиёҳвандлик моддалари топилган. О.Худойқуловнинг хонадони кўздан кеңирилганда, ҳовлидаги каптархонадан тўрт донга гўгүрт қутисиди,

Фурқат ЖУМАЕВ,
Янгиер шаҳар прокурори

ошхонасидаги пойабзал қутисидан маҳорка билан аралаштирилган "марихуана", автомашинаси ўриндиги остидан эса қоғоз парчасига ўралган "гашиш" гиёҳвандлик моддалари топилган.

Юқоридаги ҳолатлар юзасидан О.Худойқуловга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, суд унинг қилмишига яраша жазо тайинлади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, осонлик билан пул топиш илнжида ёки ноқонуний йўллар билан даромад қўришни орзу қилиб юрган фуқароларнинг ҳар қандай жинояти, албатта, фош этилади. Жиноятга эса жазо муқаррар.

Тадбиркорга Муҳофизат



[Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Бош прокуратура, Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика Миллий маркази, Республика Савдо-саноат палатаси, Олий ҳўжалик суди, Республика Марказий банки ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда Самарқанд вилоят прокуратураси, СВОЖДЛКК Департаменти, Ички ишлар органлари, божхона, солиқ, банк муассасалари ходимлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, хонармандлар, кенг жамоатчилик ҳамда журналистлар иштирок этдилар.

Унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид қонунчилик базасини яратиш ва такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар хусусида фикр алмашилди. Шунингдек, мазкур соҳани ривожлантириш борасидаги айрим тўсиқлар, муаммолар ҳолатлар ҳам муҳофизат қилиниб, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузиш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашуви каби ҳолатларга прокуратура ва ҳуқуқни муҳофизат қилиш органлари томонидан янада қатъий чоралар кўрилиши қайд этилди.

— Тадбиркорлик — аҳоли бандлиги ва даромадининг муҳим омиллари, — дейди Бош прокурор ўринбосари Ҳақимбой Ҳалимов. — Уларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклашда прокурор назоратининг аҳамияти катта бўлиши лозим. Шундан келиб чиқиб, прокуратура органларининг эътибори жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, республика бошқарув ва назорат қилувчи органлари фаолиятида қонунларга риоя этилишини таъминлашга қаратилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Эътибор беринг, прокуратура органларининг аралашуви билан 2010 йилда тадбиркорлар фойдасига 982 млн. сўмлик дебиторлик қарзлари ундириб берилган. Шунингдек, 110 та ҳолатда уларнинг рўйхатдан ўтишига ёрдам берилиб, 705 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари бузилганлиги бўйича 1500 дан ортқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. Зиммасидаги масъулият янада ошишини ҳар биримиз эҳс этишимиз лозим.

Ҳалимов тадбиркорларни фаолроқ бўлишга чақирди. Конференцияни маърузабозлик тарзида эмас, очик мулоқот, савол-жавоб руҳида ўтказишни тақлиф қилди ва маърузачиларга ҳам узундан узок маъруза ўқиш эмас, бўлади-ган гапни гапириш талабини қўйди. Дарҳақиқат, барча сўзга чиқанлар ўз соҳаси бўйича қисқа ва мазмунли тушунтириш бериши ва саволларга аниқ-лўнда жавоблар беришиди.

— Иқтисодиётнинг ўсишини тадбиркорлар фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди, — деди профессор Акмал Саидов. — Шунинг унутмаслигимиз керакики, амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг асосида инсон манфаатлари ётади. Жумладан, тадбиркорларга давлат томонидан шароитлар яратилапти. Бунга биз атрофимизда бўлаётган ўзгаришларга қараб баҳо беришимиз мумкин. Назаримда, бизнинг энг катта камчилигимиз тадбиркорлик

фаолиятига доир адабиётларнинг камлиги бўлса керак. Агар бу хил-дара китоблар кўпроқ бўлса, ижобий самара беришига ишонаман. Аввало, тадбиркорларга керакли адабиётларни етказиб беришимиз лозим.

— Бугунги кунда ҳўжалик судида кўрилатган ишларнинг аксарияти тадбиркорлар фаолияти билан боғлиқ. Уларнинг ҳўжалик судларига мурожаати йилдан йил ошиб борапти, — дейди Олий ҳўжалик суди раисининг ўринбосари Собир Холбоев. — Масалан, 2009 йилда бу каби ишлар 250 мингта бўлган бўлса, ўтган йили 300 мингта яқин иш кўриб чиқилган. Мазлумки, ҳўжалик судлари вилоят марказларида фаолият олиб бормоқда. Тадбиркорлар манфаати юзасидан сайёр судларни ташкил этаялмиз. Бу ҳам тадбиркорга яратилган шароитлардан бири саналади. Бир нарсани айтмоқчилик: қонунларимизда мустаҳкамланган бир амалиёт ишламаяпти. Ҳеч ким бу ҳолатга эътибор бермаяпти. Фуқаролик судларида маънавий зарар деган тушунча бор ва у бир неча миллионлар билан ўлчанади. Ҳўжалик судларида ҳам шундай амалиёт бор, бу бой берилган фойда деб юригилади. Икки қорхона маҳсулот олди-бердиси бўйича шартнома тузиб, бир қорхона шартномадаги суммани иккинчи томоннинг ҳисоб-рақамига ўтказиб берса, бироқ иккинчи томон келишилган ва пули тўланган маҳсулотни етказиб бермаса, масала ҳўжалик судида кўрилади. Даввогар қорхона ўтказиб берган сумма ва унинг пенясини ундириб беришни сўрайди. Масалани нозик жиҳати шуки, ўша қорхона маҳсулот сотиб олиб, уни қайта ишлаб сотиб, фойда кўрмоқчи эди. Иккинчи томоннинг шартномани бажармаганлигидан у мўлжаллаган фойдани бой берди. Ана шу бой берилган фойдани ҳам судда даъво қилиши мумкин. Бу қонуний талаб ва у исботланса қаноатлантирилиши шарт. Демак, даввогар қорхона ҳам асосий қарзини, ҳам унинг пенясини ва бой берилган фойдасини талаб қилишга ва ундириб олишга ҳақли.

— Бу йил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 262 млрд. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган, — дейди Марказий банк раиси ўринбосари Ботир Зарипов. — Тадбиркорлар бу имкониятдан етарлича фойдаланаяптилар. Яъни, биринчи қоракда режалаштирилган миқдордаги кредитлар талабгорларга берилди. Шунингдек, "Имтиёзли кредитлаш" тизими ҳам йўлга қўйилган бўлиб, бу ҳам тадбиркорлар учун қулайликлар яратди. Тижорат банкларининг жойлардаги филиалларида "Тадбиркорлар хонаси" ташкил этилган. "Тадбиркорлар бурчаги" соҳага доир зарур маълумотлар билан тўндириб боришмоқда. Ишлайман деган тадбиркор учун кредит муаммо эмас. Ҳар қандай муаммо бўйича бизнинг ишонч телефонларимизга мурожаат қилинг ва ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмаслигига қафолат берамиз.

Конференциядан чиқар эканмиз, иштирокчилар, тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг фикрлари билан қизиқдик.

Алишер Аҳатов, Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори:

— Тадбиркорликнинг эл-юрт фа-

ҲУҚУҚИЙ ЛОЗИМ

Гулноза РАҲИМОВА,
Бош прокуратура бўлим бошлиғи
Рустам ИСЛОМОВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

ровонлиги, иқтисодиёт тараққиётидаги ўрнини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Бу йил ҳам тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан бир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Уларда тадбиркорларга бир қадар енгилликлар акс этган. Бугунги кунда вилоят ҳудудида 42 миң 326 та ҳўжалик юритувчи субъектлар, шундан 183 та қўшма қорхоналар, 7 миң 723 та фермер ҳўжалиқлари, 15 миң 115 та кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан тадбиркорлик субъектларига 8,2 га ер майдонлари қишлоқ ҳўжалик экинларини экиш учун ажратишда, 890 млн. сўм кредит, 30 млн. сўмлик эҳтиёт қисмлар, 30 тонна минерал ўғит олишда, 61 млн. сўмлик қардорликни ундиришда, 16 та ҳолатда рўйхатдан ўтишда ҳамда электр энергияси билан таъминлашда амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Гулбека Қўчқорова, Пастдаргом туманидаги "Бека Чарос" хусусий қорхонаси раҳбари:

— Жорий йилда тадбиркорлар учун бир қатор имтиёзлар берилиб, енгилликлар яратилди. Бунга жавобан биз ҳам фаолиятимизни изчил йўлга қўйиб олмақдамиз. "Бека Чарос" хусусий қорхонамизда тайёрланаётган эллик хилдан зиёд тўқувчилик маҳсулотларига бугун вилоятимизда харидорлар кўпчиликини ташкил этади. 2008 йилда иккита тикув машинаси билан иш бошлаб, "Микрокредитбанк"дан 10 млн. сўм миқдорда кредит олдик. Бу маблағга тикув машиналари харид қилдик. Бу йил эса 50 млн. сўм имтиёзли кредит олишни режалаштирганмиз. Қорхонамизда шу пайтгача 15 нафар хотин-киз ишлаган бўлса, энди уларнинг сони 40 нафарга етди.

Сарвар Тошев, Бош прокуратура ҳузурдаги СВОЖДЛКК Департаментининг Бўстонлик туман бўлими бошлиғи, Олий ўқув курслари тингловчиси:

— Кичик бизнес ва тадбиркорлик — аҳоли бандлиги ва даромадининг энг муҳим томонидир. Уларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклашда прокурор назоратининг аҳамияти катта бўлиши лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда, прокуратура органларининг эътибори жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, республика бошқарув ва назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунларга риоя қилинишини таъминлашга қаратилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунда қонунчилик текширувлар ўтказиш, ҳисобот ва ҳужжатларни талаб қилиш ҳолатлари тезда аниқланиб, прокурор таъсир чоралари орқали ушбу қонунбузарликларга чек қўйиш мумкин бўларди. Юртобшамизнинг оқилона сиёсати тўғрисида тадбиркорларга катта имкониятлар яратилмоқда. Ана шу имкониятдан руҳланиб, фаровонликка ўз ҳиссасини қўишини ният қилганларга прокуратура органлари ҳар доим ёрдамга тайёрлиги бугунги тадбирда бир неча бор таъкидлаб ўтилди.

Куннинг иккинчи ярмида конференция иштирокчилари Самарқанд туманида бўлишди. Бу ерда олиб борилаётган тадбиркорлик ва бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишишди.

Бугуннинг устувор вазифаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ушбу соҳада меҳнат қилаётган кишиларнинг манфаатларини қонун доирасида ҳимоя қилишдан иборат. Бу эса ўз навбатида прокуратура органлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Устувор қонунлар қафолати

Отабек БОБОДУСТОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи
Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Ниҳад»

Шу муносабат билан "Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишга доир услубий қўлланма" қабул қилиниб, китобча шаклида чоп этилгани айни муддао бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашид-жон Қодировнинг умумий таҳрири остида тайёрланган мазкур қўлланма XI бобдан иборат бўлиб, унда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи кишиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг асосий ва таъсирчан жиҳатлари муҳассамлашган.

Услубий қўлланмада: Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ва уларнинг манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари, тадбиркорлик фаолияти соҳасига оид қонунчиликнинг аҳоли ҳақидаги маълумотлар таҳлили, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш устидан прокурор назоратининг ташкил этилиши билан боғлиқ ва бошқа ўта долзарб ҳамда таъсирчан ҳуқуқ-тартибот масалалари қамраб олинган.

Маълумки, сўнги йилларда муҳтарам Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан давлат идораларининг тадбиркорлик фаолиятига қонунчилик аралашувини қатъий чеклаш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қафолат берувчи бир қатор муҳим аҳамиятга эга бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги қафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг сўзсиз бажарилиши устидан назоратни қучайтириш, назорат органлари мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузганиликлари учун жазо муҳарраларини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Мазкур қўлланмада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тоифалари ҳам белгилаб берилган. Энг муҳим янгиликлардан бири бу тадбиркорлик субъектларига фақат суд орқали қўлланилиши мумкин бўлган ҳуқуқий таъсир чоралари доирасининг белгилаб берилганидир.

Шунингдек, тадбиркорларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш, тафтиш қилиш ваколатининг фақат Давлат солиқ органларига берилиши тадбиркорлар манфаатининг яна бир қафолати бўлиб хизмат қилади.

Қўлланмада, "Шаҳар ва туман ҳокимиятлари ҳузурдаги тадбиркорларни рўйхатга олиш инспекцияларининг вазифалари", "Маҳаллий давлат ҳокимиятлари ва бошқарув органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунчилиги устидан прокурор назоратини ташкил этиш", "Назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурорлик назоратини ташкил этиш", "Тадбиркорларнинг мурожаатларини ҳал этиш бўйича ишларни ташкиллаштириш" масалаларига алоҳида боблар бағишланган.

Хусусан, тадбиркорларнинг хомаш ёзориға кириши ва ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотишга ҳамда тадбиркорларга ер ажратиши, улар томонидан объектлар қуришга доир масалаларнинг ҳуқуқий асослари ҳам белгилаб берилганки, бу ҳалқимиз дилдаги орзуға ҳамоҳанглиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада қучайтириш мақсадида Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ҳамда бошқа тегишли органлар билан ҳамкорликда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, уларнинг эркинлигини чекловчи ҳар қандай бюрократик тўсиқлар ва фаолиятига қонунчилик аралашувларга қарши мурокасиз курашиш жараёнларини кенг жамоатчилик эътиборига етказиш чоралари қўрилиши лозимлиги, бу борада давра суҳбатлари, кўришлар, ишбилармонлар билан учрашувлардан кенг кўламда фойдаланиш зарурлиги ҳам қўлланмада алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан тайёрланган мазкур қўлланма нафақат ҳуқуқ-тартибот органлари, балки барча тадбиркорлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этиши билан қимматлидир.

Қашқадарё вилоят прокуратурасининг мажлислар заллида мазкур услубий қўлланма ва унинг мазмун-моҳияти ҳақида фикрлар билдирилиб, бу қўлланма прокуратура ходимларининг келажак ишларида ўзига хос дастуриламал вазифасини ўтайди, дея эътироф этилди.

Адолат устувор юрtda

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Пилла мамлакатимиз миллий бойликларидан ҳисобланиб, Ўзбекистон пилла етиштириш бўйича дунёда бешинчи ўринда туради. Демакки, бу борада ҳеч қачон кўзбўямачилликка йўл қўйиб бўлмаслигини соҳа меҳнаткашлари жуда яхши билишади. Шу боис, Наманган вилоят прокуратураси органлари томонидан соҳа ривожини кўзда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 15 ноябрдаги "Республикада пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси устидан прокурорлик назорати ўрнатилиб, текширишлар ташкиллаштирилган.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, ўтган йили вилоят бўйича ҳўжаликлар томонидан 2646,2 тонна пилла топширилиб, шартномавий режа 100,1 фоизга бажарилган. Шунга қарамай, мазкур қарор ижроси борасида жойларда ўтказилган текширишлар соҳани ривожлантириш ва унинг озуқа базасини яратишда бир қатор қонунбузилишига йўл қўйилганлиги, шунингдек, пилла хомашёсини талон-торож қилиш, қўшиб ёзиш, тут дарахтларини ўзбошимчалик билан кесиб юбориш, ишчи-ходимларнинг иш ҳақларини бермаслик каби ҳолатлар мавжуд эканини кўрсатди.

Мисолларга мувожаат қиладиган бўлсак, Тўрақўрғон туманидаги "Кумуш ипаги" МЧЖ раҳбарининг 2010 йил 13 июлдаги буйруғи асосида моддий жавобгар шахс Ф.Раҳмонов томонидан 2010 йилда қабул қилиб олинган пилла махсулотлари йўқламадан ўтказилганида, 3,364 кг. 28 млн. 262 минг 700 сўмлик камомад борлиги аниқланди. Мазкур ҳолат бўйича айбдор шахсларга нисбатан суднинг ҳўқмига асосан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Наманган тумани "Бош пиллаҳона" МЧЖда ўтказилган таҳлилда жамият мансабдор шахслари мансаб ваколатини суистеъмол қилиб, мансаб сохтакорлигига йўл қўйиб, тумандаги "Ф.Ибрагимов" фермер ҳўжалиги ҳамда 174 та фермер ҳўжалигини суный равишда жамиятдан 297,2 млн. сўмга ҳақдор қилиб, жамият омборида бўлган 260,2 млн. сўмлик махсулотларни тумандаги 175 та фермер ҳўжаликларига бериб юбориб, жамият манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказганлар. Ушбу ҳолат бўйича айбдор шахслар суд ҳўқми асосида жазога тортилдилар.

Шунингдек, Мингбулоқ туманидаги "Водий ипаги" хусусий корхонасида 2010 йил

пилла ҳўсилининг қабул қилиниши ва сотилиши назоратдан ўтказилди. Маълум бўлишича, хусусий корхона томонидан 2010 йил ҳўсилидан 140640 кг. пилла хомашёси қабул қилинди деб сохта ҳўжатлар тайёрланган. Бироқ бухгалтерия ҳўжатларига солиштирилганида 9724,8 кг. ёки 33925,9 минг сўмлик камомад борлиги, шу билан бирга, қуруқ навсиз пилладан 6353,8 кг. 20924,9 минг сўмлик, қуруқ қорапўчоқ пилладан 3245,6 кг. 4504,8 минг сўмлик, жами 25,4 млн. сўмлик пиллалардан ортиқча чиким қилинган, яъни 2010 йил 17 апрелдаги 10-сонли ҳисоб-варақ фактура бўйича ёзилган 3487,8 метр 21624,3 минг сўмлик (аслида олинмаган) адрас матоси билан ҳисоб-китоб қилинганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат бўйича айбдор шахсларга суд ҳўқми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Поп тумани "Бош пиллаҳона" МЧЖда ўтказилган мониторингда жамият моддий жавобгар шахслари зиммасидаги 16131,9 кг. 20207,1 минг сўмлик ҳўл ҳолатдаги навсиз пилла хомашёсидан камомад борлиги аниқланди.

Ўқоридаги қонунбузилиш ҳолати бўйича айбдор шахсларга жиноят иши қўзғатилиб, суднинг ҳўқми билан тегишли жазо тайинланди.

Ўтган йили қонунбузилиш ҳолатлари бартараф этилиб, жавобгар шахслар қонуний жазога тортилган бўлишига қарамай, афсуски, бу каби ҳолатлар 2011 йилда ҳам содир этилган.

Хусусан, Наманган туманидаги "Абдулхафиз хожи" фермер ҳўжалиги раҳбари А.Мирзахмедов 2011 йил февраль ойининг охирида "Мирғиёсов Ўринбў" фермер ҳўжалиги майдонида жойлашган 3,1 гектар майдондаги 630 туп тут дарахтини ноқонуний равишда кесиб ташлаб, табиатга 12533,2 минг сўм, яъни кўп миқдорда зиён келтирган.

Уйчи туманидаги "Уйчи боёгон Ғайрат" ММТПнинг собиқ ер тузувчиси Б. Содиқов 4 нафар фуқарога "Ғайрат Хонобод чашма булоғи" сув истеъмолчлар уюшмаси ҳудудидаги туман ҳокимлиги захирасидаги 7 гектар тут плантациясидан 1,92 гектар ер майдонини ажратиб бериш ва бу ҳақда туман ҳокими қарорини чиқариб беришига ваъда қилиб, уларни алдаб, 7500,0 минг сўм пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритганлиги оқибатида номаълум шахслар томонидан тегишли идораларнинг руҳсатисиз 1172 туп тутни қонунга хилоф равишда ўзбошимчалик билан кесилиб, табиатга 23315,7 минг сўм зиён етказилган.

Янгиқўрғон туман прокуратураси томонидан ўтказилган

назорат тадбирларида фуқаролар Б.Қаҳҳоров ва О.Отабоев тумандаги "Мукаррам Ханифа Абдуллаева" фермер ҳўжалиги экин майдони четидаги 5371,3 минг сўмлик 270 туп тут дарахтини ҳўжалик раҳбари И.Отабоевнинг оғохлантиришига қарамасдан 2010 йил декабрь ойи давомида тегишли идораларнинг руҳсатисиз ўзбошимчалик билан кесиб, табиатга кўп миқдорда зиён етказганликлари аниқланган.

Қолаверса, пилла етиштирувчиларнинг қонуний ҳўқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни меҳнатига яраша рағбатлантириш ўрнига, иш ҳақларини ўз муддатда берилишига панжа орасида қараётган айрим раҳбарларнинг масъулиятсизликлари ишчиларнинг ҳақли эътирозларига, иш сўратининг пайсасишига сабаб бўлган.

Ўтказилган мониторинглар 2011 йил 1 март ҳолатига Поп тумани "Бош пиллаҳона" МЧЖда жамият ишчи-хизматчиларидан 549 360 сўм, "Тўрақўрғон пилласи" МЧЖда 2040,0 минг сўм иш ҳақидан қарздорлик мавжудлигини, тўлов муддатлари асосида ўтказиб юборилганлигини кўрсатди. Шунингдек, Уйчи туманида "Уйчи Миришкор қаноти" ММТПда 4 та, "Н. Абдуллаев" СФУ, "Улуғбек", "О.Келдиев", "Қашқалдоқ Беруний" ҳудудларида 1 тадан инкубатория бинолари таъмирланмасдан, каровсиз ҳолда қолдирилганлиги, 2011 йил ҳўсили учун қоғоз ва плёнка каби хизматлар олинмаганлиги аниқланган. Ўқоридаги ҳолатлар юзасидан прокуратура органлари томонидан айбдор шахсларга қонуний чора кўрилиши таъминланган.

Биргина 2011 йилнинг ўтган 4 ойида вилоят прокуратураси органлари Республика Президентининг юқоридаги қарори ижроси юзасидан жойларда ҳўжаликлар билан пилла қабул қилиш қорончалари ўртасида 1,5 тонна пилла етиштириб бериш учун тузилмаган 24 та шартномаларнинг тузилишида, 28 гектар майдонда тутзорлар барпо этилиши учун 120 минг туп тут қўчатлари етказиб берилишига, тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар рўйхатдан ўтказилишида кўмаклашди.

Мазкур йўналишда ўтказилган текширишлар якунига кўра, жойларга 5 та тақдирнома киритилди, 22 нафар масъул шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида расман оғохлантирилди, 22 нафар шахс интимиозий ва маъмурий жавобгарликка тортилди, етказилган 7777,5 минг сўм зарарни ундириш юзасидан судларга 10 та даъво аризаси киритилди, кўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 4 та жиноят иши қўзғатилди.

Мақсад-муддаомиз эса, аввало, кишиларда қонунларга ҳўрмат ва иттифоқ туйғусини қарор топтириш, уларга амал қилган ҳолда яшашни ҳаёт мезонига айлантиришдир. Зеро, давлатимиз раҳбари айтганидек, "Ҳўқуқий давлатнинг қуроли ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир". Биз эса қонун устуворлиги йўлидан бориб, истиқболга эришяпмиз.

Наманган



Наманган вилояти 1941 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳудуди 7,44 минг кв.метр.

Вилоят 1 та шаҳар, 11 туман, туманларга бўйсунувчи 7 та шаҳар, 858 та ўзини ўзи бошқариш органи, 120 та ШҲФ, 99 та ҚҲФ ва 759 та маҳаллани ўзида жамлайди.

Вилоят бўйича 31325 та (2011 йил 1 январь ҳолатида) ҳўжалик юритувчи субъект фаолият кўрсатмоқда. 60 та касалхона, 238 та кишлоқ врачлик пункти аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Вилоятда 3 та олий ўқув юрти, 106 та касб-ҳўнар коллежи, 11 академик лицей, 683 та мактаб ва 612 та мактабгача таълим муассасалари фаолият юритиб келмоқда.

Йигирма йилларки, халқимиз энг улғу, энг азиз неъмат – мустақилликдан баҳра олиб ҳаёт кечирмоққа. Истиқлол шарофати билан халқимиз, аввало, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳўқуқига эга бўлди. Ҳўқуқ эса инсоннинг эрки, орзу-умидлари, ният-мақсадлари, қадриятлари, анъаналари, умуман, барча-барчасини ўзида мужассам эта олади.

Эл-юрт манфаати йўлида

Жамолдин НИЗОМОВ,
Учқўрғон туман прокурори

Янги даврга келиб ислохотлар ислохот учун эмас, чин-маънода инсон учун хизмат қила бошлади. Қўллаб қонунлар, қарор ва фармонлар амалга киритилди. Қонун нима учун қабул қилинади? Табиийки, эл-юрт, жамият ва давлат манфаатлари муҳофазаси учун. Шундай экан, қонунлар ижросига жиддий эътибор билан ёндашмоғимиз, қонунбузарларга нисбатан муросасиз бўлишимиз даркор. Фаолиятимиз шу мезонлар асосига қурилган.

Мустақиллик ҳақида гап кетганда давтаввал меҳр-оқибат, қадрият каби қадриятлар янада сайқал топгани, ижтимоий муҳофиза масаласи устувор аҳамият касб этганини таъкидлаш лозим. Айни шу жиҳат тараққийимиз кафолати бўлган таъминотлардан бири сифатида белгиланиб, унинг ҳўқуқий асослари яратилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги "Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни қўлайитириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳақда "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорлари шулар жумласидандир.

Туман прокуратураси мазкур қарорлар ижросини ўрганар экан, келажакимиз эгалари бўлган болалар манфаатлари қандай муҳофиза этилаётгани, уларнинг камолини қўллаб ақратилган маблағларни тасарруф этишда адолат таъминиларига қай даражада амал қилинаётганига эътибор қаратмоқда. Қонунбузарлик ҳолатлари аниқланса, ўз вақтида тегишли чоралар қўрилмоқда.

Шундай текширишлардан бири Учқўрғон туманидаги "Қайқи" ҚҲФ, "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилди. Таассуфки, аниқланган ҳолатлар қарорлар ижросига эътиборли муносабатдан далолат бермайди. Яъни, кам таъминланган, 16 ёшгача фарзанди бор фуқароларнинг нафақа таъминлишини сўраб ёзган аризалари қонунда белгиланган муддатда қўлаб чиқилмаган. Шунингдек, "Қайд қилиш дафтарига"га қайд қилинмаган. Оқибатда, фуқаролар манфаатига 119 минг 300 сўм миқдоридан зарар етказилган. Туман прокуратураси аралашуви билан мазкур оилаларга нафақа пуллари таъминлишини таъминланди.

Бундан ташқари, фуқаро Б. Нишоновна 2010 йил 4 мартда икки нафар вояга етмаган фарзанди учун нафақа таъминлишини сўраб мувожаат этган. Бунга кўра, унга 2010 йил апрель ойидан 2 болали оила ҳисобида нафақа тўланган. Ваҳоланки, Б. Нишоновна 1992 йил 6 мартда турилган фарзанди 18 ёшга тўлган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар таъминлаш ва тўлаш тўғрисида"ги Низомининг 3-бандида нафақа ушбу нафақани олишига муҳтож бўлган 16 ёшгача (умумтаълим мактабларида, академик лицейлар ва касб-ҳўнар коллежларида таълим олаётган 16 ёшдан 18 ёшгача) болалари бўлган оилаларга таъминлишини белгиланган. Бироқ МФЙ мутасаддилари мазкур Низом талабларига амал қилмаганлар.

Бу каби ҳолатларни тумандаги "Қайқи" ҚҲФ, "Бокўча", "Норин", "Шалдирама" ва "Янгиҳаёт" МФЙда ҳам кузатиш мумкин. Бундан ташқари, "Қўғай" ҚҲФ, "Намуна" МФЙ мутасаддилари томонидан ҳудудга давлат бюджетидан ажратилган маблағлар бўйича нафақа таъминлаш ва тўлаш тартибига риоя этилмасдан, 8 та ҳолатда 2 млн. 271 минг 500 сўмлик нафақа пуллари ноқонуний таъминлиниб, шундан 2 млн. 172 минг 100 сўми тўлаб юборилган.

Яна қатор маҳаллаларда нафақа бериш лозим бўлган фуқароларнинг аризаларини асоссиз рад этиш баробарида оила даромадлари белгиланган мезонлардан ортиб кетганларга нафақа таъминлаш, комиссияга қалбаки ҳўжатлар тақдим этиш, сохтакорлик каби ҳолатларга дуч келинди.

Текширишлар натижалари бўйича ҳар бир ҳолатга тегишли ҳўқуқий баҳо берилди. Зеро, инсон манфаатлари, ёш авлодга қўрсатилаётган гамҳўрлик ҳақида гап кетар экан, бу борада қонунбузарликларга йўл қўйиб бўлмайди.

Шу нуктаи назардан иш ҳақлари вақтида берилишига нисбатан эътиборсизлик ҳолатларининг олдини олиш, бу соҳадаги қонунбузарликларни бартараф этиш, иқтисодий тараққийга тушув бўлаётган фаолиятсизлик, дебитор-кредитор қарздорлик масалаларининг ҳал этилиши, давлат мулкни талон-торож қилишга қарши курашиш борасида ҳам изчил фаолият олиб боряпмиз.



Фаровонликка қадам

Истиқбол сари дадил бораётган юртимиз одимларига назар солган кишининг кўнгли ифтихорга тўлади. Тарихан қисқа, моҳиятан асрларга татигулик 20 йил ютуқларидан қувонмаслик мумкин эмас. Эътибор берсак, эришганларимизнинг барчасида Бош Қонунимизнинг мустаҳкам пойдевор бўлганлиги, маънавият, миллий қадриятларга юксак эътиром кўрсатилаётгани кўринади.


Бу хусусда сўз кетганда, Юртбошимиз эътирофини келтириш ўринлидир. "Бугун Ўзбекистонимиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлини ҳолисона баҳолаётган эканмиз, ўтган давр мобайнида биз эришган, дунё жамоатчилиги тан олган оламшумул ютуқ ва марралар, авваломбор, изчил ривожланган иқтисодийимиз ва унинг барқарор ўсиш суръатлари, аҳоли фаровонлигининг йилдан-йилга ошиб, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз обрў-эътиборининг тобора юксалиб бораётгани — буларнинг бариси Конституцияимизнинг асосига қўйилган, чуқур ва пухта ўйланган мақсад, принцип ва нормаларнинг ҳаётбахш самараси, десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди".

Шукурим, биз муборак истиқлолимиз тўғрисида топгани ўзига буюрган халқ бўлдиқ. Ота-боболаримиздан мерос бўлиб, асрлар оша яшаб келаятган эзгу қадриятларимиз бугун ҳам миллиятимизнинг онгу шуурини, сийрату суваратини нурафшон қилиб турибди ва бу қадриятлар айни пайтда миллий ғоямизнинг асосини ташкил этади.

Шу нуқтаи назардан қарасак, Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛҚК Департаментининг Наманган вилоят бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган "Маънавият ва маърифат хонаси"ни маънавий ҳаётимиздаги яна бир бунёдкорлик намунаси сифатида

баҳоласак, ўринли бўлади. Таъбир жоиз бўлса, "Маънавият ва маърифат хонаси"ни бошқарманинг юзи дейиш мумкин. Ундаги фотосуратлар, жиҳозлар бу даргоҳнинг ўн йиллик тарихини ифода этган. Вазирилар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги 291-сонли қарори билан Бош прокуратура хузурида Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаментининг ташкил этилиши ҳам мазкур иқтисодий ислохотлар жараёнида мамлакатимизнинг иқтисодий ҳавфсизлиги, хусусан, солиқ сибсатини амалга оширишни таъминлаш, солиққа тортиш базалари янада кенгайтириш, шунингдек, солиқ ва тўловларнинг давлат бюджетига тўлиқ тушишини таъминлаш, хуфийна иқтисодийнинг шаклланиш йўллари, коррупция ҳолатларини аниқлаш, олдини олиш ва уларга барҳам беришга қаратилган эди.

Орадан бир йил ўтиб, (2002 йил 28 ноябрь) Вазирилар Маҳкамасининг 415-сонли қарори билан кўшимча равишда валютага оид жиноятларга қарши курашиш ҳам Департамент органларининг вазифаси этиб белгиланди. Шунингдек, 2006 йил 21 апрелда Президентимизнинг ташаббуси билан жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини назорат қилиш ҳам Департа-



мент зиммасига юклатилди, яъни ишонч ва масъулият юки яна ҳам ошди.

Департаментда давлатимиз сибсатининг жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш каби устувор тамойиллардан келиб чиқиб, юртимизда кечаятган кенг иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, тadbиркор ва ишбилармонлар фаолиятини муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, маънавий дунёсини бойитиш борасида ҳам муайян тadbирлар амалга оширилмоқда. "Маънавият ва маърифат хонаси"ни ташкил этишдан мақсад ҳам фуқаролар, айниқса, келажак авлод онгиде маънавият тушунчасининг нечоғли аҳамиятли эканини шакллантириш, жамиятда фаолиятка ундашидир.

Департаментининг Наманган вилоят бошқармаси "Маънавият ва маърифат хонаси" ёшларимиз учун сеvimли масканга айланди. Мазкур хонада ўтказилаётган учрашувлар, тadbирлар бунга мисолдир. Tadbирларда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ҳуқуқшуносликка ва иқтисодга ихтисослашган коллежлар талабалари билан учрашувлар уюштирилиб, уларда касб

Илҳомжон ПАЙЗИЕВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Наманган вилоят бошқармаси
матбуот гуруҳи катта инспектори

кўникмаларини шакллантириш, иқтисод йўналишида таълим олаётган ўқувчиларга ўз бизнес режасини тузиб, тadbиркорликка киришиш, амалдаги қонунларга риоя қилган ҳолда фаолият юритиш бўйича тушунчалар беришга ҳаракат қилинди. Ёшлар бу ердаги кўргазмалар орқали қонунларни менсимаслик қандай оқибатларга олиб келиши ва қонунлар асосида фаолият юритиш натижасида қандай ютуқларга эришиш мумкинлигини ўрганишлари мумкин.

Шунингдек, мазкур хонада интернет бурчаги ҳам ташкил қилинган бўлиб, ходимлар бу ерда интернетдан фойдаланган ҳолда дунё хабарларидан воқиф бўлиш, қонунчиликка қиритилаётган ўзгаришларни ўрганиш бориш имкониятига эга.

Бошқарма ва худудий бўлимлар томонидан ўтказилаётган тезкор ва тарғибот-ташвиқот тadbирларида солиқ сибсатининг амалга оширилишини таъминлаш, солиқ солиш базасини кенгайтириш, солиқ ўтловчилар тўлиқ камраб олиниши ва ҳисобга олинишига эришиш мақсадида қонунчи-

ликда тақиқланмаган фаолият билан шуғулланувчи фуқароларни солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказиш ва фаолиятини кенгайтириш орқали янги иш ўринларини барпо этишга эътибор қаратилмоқда.

Бевосита Департаментининг Наманган вилоят бошқармаси ташаббуси билан ўтган ўн йил давомида 500 дан зиёд янги иш ўринлари яратилиб, уларнинг қонуний фаолият кўрсатишларида амалий ёрдам берилди. Шунингдек, қонунларга итоат этган ҳолда иш юритиб, фаолият кўламини кенгайтиришлари борасида ҳуқуқий тавсиялар бериб берилмоқда. "Маънавият ва маърифат хонаси"да ташкил этилган "Тadbиркорлар — қонун ҳимоясида" бурчагида бу борада олиб борилган ишлар ўз аксини топган.

Ушбу гамхўрликлар натижасида Наманган шаҳридаги "Мехмаш" ОАЖ ҳамда "Замин Туркистон" МЧК тобора ривожланиб, харидоригр махсулотларни ишлаб чиқармоқдалар. Шунингдек, ушбу махсулотларнинг кўллаб хорижий давлатларга шартнома асосида экспорт қилишни йўлга қўйишган. Мазкур бурчақдан уларнинг махсулотларидан намуналар ҳам ўлиб олган.

Азалдан Наманган хунармандларининг шухрати оламга машҳур. Қулолчилик, наққошлик, қасанақчилик, атлас тўқими каби хунар турлари илдири жуذا қадимга бориб тақалади. "Миллий қадриятлар" деб номланган бурчақда қўл меҳнати билан тайёрланган хунармандчилик намуналари ўз аксини топган.

Хуллас, Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛҚК Департаментининг вилоят бошқармаси ходимлари ҳам нафақат соҳага оид жиноятларга қарши курашишга, балки халқимизнинг маънавий олами бойишига, шунингдек, энг улуг, энг азиз айём таррадуғиде ҳам муносиб улуш қўшмоқдалар.

Нурафшон келажакни кўзлаб

Истиқлолга эришгач, халқимиз келажак йўлини мустақил равишда белгилаб, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуришни ўз олаига мақсад қилиб қўйди. Энг муҳими, бу буюк мақсад қонун асосида мустаҳкамланди. Бугун халқимизнинг турмуш тарзи, онг-тафаккурига эътибор берсангиз, бир ҳолатни илғаб олиш қийин эмас. Яъни, одамлар ўз фаолиятини қонун асосида белгилаб, онг-тасаввурини катта ишонч юзага келмоқда, албатта. Бундай натижаларга эришишимизнинг таг-заминида ҳуқуқимизнинг томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар туртки бўлмоқда.

Турмуш тарзимизга назар ташлайдиган бўлсак, ҳаётимиз бугун кечаятган тўқин ва фаровон, одимларимиз залворли, ютуқларимиз салмоқли эканлигини кўраемиз. Чор атрофда ободлик ва бунёдкорлик, қуриш ва яратиш, қай бир шаҳар ёки қишлоққа борманг таниб бўлмас даражада ўзгарган.

Прокуратура органлари ҳам қонун устуворлигига эришиш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти билан ана шу юксалиш жараёнида фаол иштирок этиб келмоқда.

Чуқри муваффақиятлар салмоғи, аввало, истиқболни кўзлаб қабул қилинаётган қонунларнинг изчил ҳаётга татбиқ этилаётгани самараси. Қонун устуворлигини таъминлаш эса ўз-ўзиндан прокуратура органлари фаолиятининг асосий мезонидир. Айни шу фикр ифодасини иқтисодий бунёдими, қишлоқ ҳўжалиғими, таълим ёки соғлиқни сақлашми, ҳаётнинг барча

жабҳаларида кўриш мумкин.

Хусусан, бугун юртимизда ёшлар масаласи барча даврлардагидан устувор аҳамият касб этган. Ана шундай гамхўрлик ва эътиборга ҳамоҳанг прокуратура органлари ҳам ўғил-қизларимизнинг ҳаёти ва бахтли қамоли ҳақида жиддий қайғурмоқдалар. Улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, билимли, маънавиятли, касб-хунар эгалари бўлиб улғайишлари йўлида тизим томонидан ўзига ҳос ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Туманда фаолият олиб бораётган қонун ҳимоячилари томонидан мунтазам равишда амалий тadbирлар, семинарлар ўтказиб келинади.

Яқинда вилоятдаги шаҳар ва туман ҳокимлари, ҳокимликлар вакиллари, вилоят прокуратураси ходимлари, шаҳар ва туман прокурорлари Чустга тақлиб этилди. Улар туман прокуратураси ва ҳокимлиги ташаббуси билан "Ҳамфикр, тежамкорлар ва қомил инсон тарбияси" йўналишида жойларда амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар.

Шуни эътироф этиш жоизки, Чуст туманида фаолият юритаётган 11 та касб-хунар коллежида 14697 нафар ёш таълим олмоқда. Улардан 12460 нафари умумтаълим, касбий ва спорт тўғрараклига жалб этилган. Шунингдек, коллежларда туман прокурори ташаббуси билан тайёрланган "Ҳамфикр тежамкорлар ва қомил инсон тарбияси" дастури асосида машғулотлар олиб борилади.

Мазкур тўғрараклардан кўзланган мақсад, ўқувчиларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, улар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, ёшларнинг қомил инсон бўлиб вояга етишида тежамкорликнинг ўрни, Ватан меҳри ва юрт ишқиде ёнадиган фаол фуқаролар



Муҳаммадхон Жўраев,
Чуст туман прокурори

бўлиб етишига кўмаклашиш, давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшишда солиқлар, қоммунал тўловларнинг ўз вақтида тўлаш заруратини шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар, Ватанга садоқат руҳида тарбияланиш йўлга қўйишдан иборат.

Шунингдек, семинар жараёнида иқтидорли талаба ёшларнинг қўл меҳнати намуналари, тadbиркорларнинг яратувчанлик борасидаги фаолияти махсули намойиш этилди. Чуст туман прокуратураси ташаббусига кўра ташкил этилган "Ҳамфикр тежамкорлар ва қомил инсон тарбияси" мавзусидаги семинар давомида иштирокчилар вояга етмаганлар манфаатларини ҳимоя қилиш, улар таълим-тарбияси, иқтидорли юзага чиқариш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, мазкур тўғрараклар коллежларда тахсил олаётган 10140 нафар ўқувчи жалб қилинган. Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, ушбу тўғрараклар ташкил этилган, уларга дарсларга умуман қилмайдиган ўқувчилар ҳам жалб этилди ва бунинг натижасида давомавлар яхшиланди. Яъни, ўқувчилар тўғрараклар орқали дарсларга астойдил қизиқа бошлади. Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка мойил бўлган 479 нафар ўқувчи ҳам айни пайтда бу тўғраракларга жалб қилинган бўлиб, улар ўзларини қизик-

тирган касб-хунарларни ўрганмоқдалар.

Ушбу ташаббуслар яна бир ютуғи шундаки, бу тўғрараклар ёрдамида ўқувчиларнинг иқтисодий саводхонлиги ошмоқда. Шунингдек, улар онгиде оила ва жамият учун кўмакчига айланиб улгурган табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, моддий қимматликларни асраб-авайлаш, бўш вақтларни мазмунли ўтказиш, оила даромадини кўпайтириш, оилавий бизнесни ривожлантириш каби кўникмалар шаклланди.

Қолаверса, мазкур тўғрараклар ёрдамида таълим олувчиларнинг қизқишларидан келиб чиққан ҳолда 4442 нафарига белгиланган мутахассисликлардан ташқари, яна 23 та хунар ва касб ўргатилмоқда. Улардан 1573 нафари эгалланган хунар ва касбларини оилада йўлга қўйиш, оила даромадини яхшилаш мақсадида хонадонларда иссиқхона, паррандачилик, қўенчилик, асаларчилик, миллий хунармандчиликнинг турли шакллари, суратхона, тикувчилик, қадимий тўқимачилик, сартарошхона каби фаолият турларини йўлга қўйганлар.

Ташаббуслар ўртага ташланди, фикрлар алмашилди. Албатта, улар озод юртимиз истиқболни бўлган фарзандларимиз қамолида асқотади.

Фуқаролик жамиятининг тамойиллари



Абдусалом НОҲБОЕВ,
юридик фанлар номзоди, доцент

таъсис этган биринчи давлат саналади. 1996 йили республика ҳукумати томонидан инсон ҳуқуқларига риоя қилиш соҳасида қарорлар назорати ва мониторингини таъминлаш учун инсон ҳуқуқлари Миллий маркази ташкил этилди. Мазкур давлат тузилмаларидан ташқари, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи ва давлатдан мустақил бўлган нодавлат ва жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Ривожланган демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари (ОАВ) "тўртинчи ҳокимият" вазифини бажаради. Бошқача айтганда, ОАВ фуқаролик жамиятининг таянчларидан биридир. Улар жамият ва давлат фаолияти ҳақида ахборот тўплаш ҳамда мазкур ахборотни тарқатиш билан шуғулланади. Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш, энг долзарб муаммоларни аниқлаш имкониятига эга бўлган ҳолда, жамиятда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Оммавий ахборот воситалари кун сайин ҳаётимизга чуқурроқ кириб бормоқда, мустақиллик мафқураси, маънавият ва маърифат масалаларига жиддий эътибор берилмоқда. Айни пайтда газета ва журналлар, радио ва телевидение олдида улкан вазибалар турибди. Хусусан, қабул қилинган қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоат назоратини, давлат ҳамда мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширадиган механизмга айланишда оммавий ахборот воситалари муқимини кучайтириш зарур. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг демократик қадриятлари ва тушунчаларини ҳимоя қилиш, одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши лозим.

Ўзбекистонда суд ҳокимиятини ислоҳ қилиш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Собик тоталитар тузум шароитида суд ҳокимиятининг вазибаси давлат манфаатларининг устуворлигини таъминлашдан иборат эди. Демократик давлатда суд ҳокимияти ҳар бир инсонга фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва конституцион ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкин бўлган шароитларни таъминлаши шарт.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, бугун мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида дадил қадам ташланмоқда. Бу кенг қўламли саъй-ҳаракатлар эртага, ҳеч шубҳасиз, ўз самарасини беради.

Фуқароларнинг ўз ижтимоий мажбуриятлари ҳамда бурчларини тўлиқ англаб олишларига эришиш — фуқаролик жамиятининг бош мақсадининг ташкил этади. Фуқаролик жамиятининг асосий вазибаси эса, одамларнинг ўз қобилият ва эҳтиёжларини тўлиқ рўёбга чиқаришлари учун зарур имкониятларни, сиёсий, маънавий механизмни яратиб беришдан иборат. Зотан, инсон, бир томондан, ақл-заковат, билим ва тажрибага эга, ўз даври ютуқларидан баҳраманд бўлган, иккинчи томондан, рўҳий-маънавий жиҳатдан камол топгандагина фуқаролик жамиятининг эркин қирловчи шахси бўла олади.

Фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида мустақилликнинг куйидаги тамойиллари вуждга келади:

— биринчидан, халқимиз Ўзбекистон мустақиллиги, истиқлоли ва истиқболи учун қайғурмоқда, уни миллий уйғониш ва ривожланиш мезони деб тушунади;

— иккинчидан, фуқароларда Ватан қадр-қимматини чуқур ҳис этиб, уни ҳимоя қилишга тайёрлик ҳисси шаклланимоқда;

— учинчидан, миллий қадриятлар ва тафаккур асосида туғилган янги гоёлар, Ватаннинг ҳар қандай шароитда ҳимоялашга тайёр одамларнинг кўпайиб бориши сезилмоқда.

1992 йилнинг декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нафақат асосий тамойилларни ва ҳокимият идораларининг бош йўналишларини мустаҳкамлади, балки инсоннинг жамиятдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, фуқаролик ва маданий ҳуқуқларини кафолатлади.

Мустақиллик йилларида ҳокимиятнинг бир қисмини маҳаллий ҳокимият идораларига ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларга ўтказишга доир қонунлар қабул қилинди. Бу жараёнда давлатнинг етакчилиги улкан аҳамият касб этмоқда. Чунки айнан ҳокимият тузилмалари аксарият жамият муаммоларини ҳал этишда ташаббускордир. Бундай вазиятда нодавлат тузилмаларининг тегишли қарорларни қабул қилишдаги таъсири камроқ бўлди. Лекин бир вақт-

нинг ўзида, маҳаллий давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ривожланиши учун давлатнинг ўзи ёрдам бермоқда.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг hozirgi босқичида бу соҳага доир вазибалар ҳақида Президентимиз Ислам Каримов "давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтириш лозим", дея таъкидлаган эди.

Буларни амалга ошириш учун ҳокимиятнинг марказий бошқарув идораларидан маҳаллий идораларга, давлат ташкилотларидан нодавлат ташкилотларга қисман бериш, самарали назорат тизимини ҳамда ижро ва қонунчилик ҳокимиятлари ўртасидаги муносабатлар мувозанатини ташкил қилиш, шунингдек, сиёсий партияларнинг ва жамоат ташкилотларининг қонун чиқариш жараёнида фаол иштирокини таъминлаш лозим. Ҳуқуқий тамойилларнинг устуворлиги демократик ислохотларни чуқурлаштиришга, мулкчиликка бўлган муносабатни ўзгартиришга, инсон манфаатларини ҳамма нарсадан юқори қўйишга олиб келади. Бундай ижтимоий ислохотлар одамлар онгини ўзгартирмай қолмайди, одамларда миллий гуруҳ, ватанпарварлик туйғуларини кучайтириб боради.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисми бўлган инсон ҳуқуқлари тизимини такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича куйидаги асосий халқаро шартномаларини қабул қилди:

— иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича халқаро конвенция;

— фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро конвенция;

— барча шаклдаги ирқий камситишга барҳам бериш бўйича конвенция;

— бола ҳуқуқлари бўйича конвенция;

— барча шаклдаги аёллар камситилишига барҳам бериш бўйича конвенция;

— қийноқ ва бошқа гайриинсоний муносабат ёки жазога қарши конвенция.

Шунингдек, Ўзбекистон собиқ иттифоқ давлатлари орасида парламент доирасида Омбудсман лавозимини

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш очик ва ошқора амалга оширилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этилаётганда ҳамда ўтказилаётганда фуқаролар йиғини ўтказилаётган кун, вақт ва жой тўғрисида фуқаролар хабардор этилади, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазибасига кўрсатилган номзодлардан, овоз бериш якуналаридан воқиф қилинади. Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловларига тайёрларлик жараёнини ҳамда сайлов қандай ўтаётганини ёритиб боради."

Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддаси.

Оқсоқол ишончга сазовор бўлиши даркор

Нилуфар НИЁЗОВА,
«Huquq»

Барчага маълумки, айна пайтда фуқаролар йиғинларида сайловлар жараёни якуний босқичига етди. Эътиборли жиҳати, бу сайловлар ошқоралик, демократия тарзида ўтказилмоқда.

Хўш, мазкур қонунда фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчиси лавозимига номзоди кўрсатилган шахслар олдида қандай талаблар қўйилмоқда? Умуман, оқсоқол ҳамда маслаҳатчи ким ва қандай инсон бўлиши керак, деган саволлар бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси кўнглидаги ўй-фикр бўлиши табиий. Зотан, ислохотлар оғушида яшаётган халқимиз учун бундай жараёнларга нисбатан бефарқлик ўтмишга айланади.

Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Қайсидир фуқаролар йиғини раиси соғлиги ёмонлашгани боис вазибасидан бўшаш ҳақида ариза берган. Шаҳар ҳокимлиги ҳам унинг аҳолини ҳисобга олиб, розилик билдирган. Масала фуқаролар умумий йиғилишида ҳал этилиши чоғида эса халқ "Оқсоқолимизни алмаштирмаймиз", деб оёқ тираб олибди. Оқсоқол илгаригидек ишлай олмаслигини, соғлиги ёмонлашганини ҳарчанд тушунтирмасин, йиғилганлар ўз фикрларидан қайтмабдилар. Унга ўзлари ҳамжиҳатликда ёрдам беришларини айтиб, ҳеч бўлмаганда яна бир муддат ишлаб туришга кўндиришибди.

Чиндан ҳам, ана шундай ҳурмат-эҳтиром, ишонч кишини тўққинлантирмайдими?

Кейин шу воқеани мушоҳада қила бошладим. Аслида оқсоқолга бу қадар эътиборнинг сабаби нима? Боиси шундаки, у аҳоли қорига яраган, иссиқ-совуғидан вақтида хабар олган. Уларнинг қалбидан жой эгаллаган. Яна ҳам муҳими, ўз вазибасини фақат тўю тантаналарда, мотам маросимларида қатнашишдан иборат, деб тушунмаган. Тиниб-тинчимасан, қисқа фурсатда кўплаб қурилиш, ободончилик ишларини амалга оширган.

Ишонинг, бундай ижобий ҳолатга ҳадеб гувоҳ бўлавермаймиз. Баъзи ҳолларда сайловлар пайтида халқ хоҳиши деярли ҳисобга олинмайди. Оқсоқолнинг хато-камчиликларини очик айтиб, муносиб номзодни қўйиш ўрнига яна ўзи қайта сайланиб қолади ёки аввалдан белгилаб қўйилган бошқа бир номзод сайланиши учун ҳаракат қилинади. Аслида халқ фикрига қулоқ солиш зарурлиги ҳаёлга келмайди. Ахир оқсоқолнинг қусурлари-ю унинг қобилияти, нималарга қодир экани ўша маҳалла аҳлига қафғат аён-ку?!

Яқинда бир сайловда қатнашдим. Маҳалла аҳли оқсоқолликка қимларнинг номзоди қўйилганидан ҳам беҳабар. Бешалтитадан бўлиниб олиб, пана-пананда бир-бирларига ёқара ш қилганча туришибди. "Лоқал номзодликка қўйилган кекса отахонни олдинроқ хабардор ҳам қилишмабди", дея пичирлайди бири. Иккинчиси: "Қолган номзодлар ким экан? Нега сайлов бу тарзда сирли ўтпти?" дея шерикларига савол ташлади. Аксарият маҳалла аҳли узок йиллар шу худудда яшаган, комбинатда раҳбарлик лавозимларида ишлаб, ҳозирда нафақага чиққан, кўпни кўрган, ҳаётий тажрибига, энг муҳими, ҳурмат-эътиборга эга отахонни оқсоқол сифатида сайлашни ўйлаб юрганди. Аммо...

Бундан ҳам қизиги, сайлов бошлангач юз берди. Мактабнинг мажлислар залига маҳалла аҳли орасидан сайланган вакиллар йиғилгач (улар қай тарзда, ким томонидан сайлангани ҳам қоронғу), мактаб директори йиғилишни очди. Сўнгра комиссия аъзолари ва санок комиссияси вакиллари танланди. Номзодлар таништирилгач, уларга сўз берилди.

— Энди номзодларга овоз беришни бошлаймиз, — ниҳоят, йиғилишнинг "қулминацион нуқта"си келди. — Қўлида "мандат"и борлар овоз беради. Қолганлар кузатувчи сифатида...

У гапини тугатгунча бўлмабди, бир отахон пастдан сўз қотди: — Оқсоқолни халқ сайласин! Халқ овоз берсин!

Эҳтимол, ёши улуг бу отахон сайловда вакиллар иштироки ҳақида билмас, сайловда бутун маҳалла аҳли иштирок этишини назарда тутгандир, деган ҳаёлда эдик. Дам ўтмай унинг нима демокчи экани аён бўлгандек бўлди. Қўлига "мандат" ушлаб олганларнинг аксарият қисми қайсидир номзод аёлнинг дугоналари, "домдош"лари...

Қутлганидек, тажрибали отахон эмас, "мандатчилар" истаган аёл оқсоқолликка сайланди. Бирданга зални гала-говур босиб кетди:

— Бошига бир иш тушмаган, иссиқ-совуқдан беҳабар тажрибасиз аёл маҳаллани бошқара олармиди?.. — тўнғиллади биров.

Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати унинг ижтимоий барқарорликни таъминлашда тутган ўрни

Ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигига келиб жаҳон сиёсий харитасида ушбу ўзгаришлар юз бериши. Шўролар иттифоқи таркибидagi республикалар суверенитет эълон қилиб, ҳар бири ўзига хос тараққиёт йўлини белгилаб олди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам ўзининг мустақил тараққиёт йўлини — ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлини танлади ва бу мақсаддан оғишмай, дадил бормоқда.

Мамаклатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар замирида, аввало, ҳар бир инсон учун муносиб ҳаёт ва турмуш шароитларини яратишдек эзгу гоя муҳассамдир. Бунинг учун эса ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий зиддиятларни келтириб чиқарувчи ҳар қандай муаммага ўз вақтида барҳам бериш изчил давом эттирилмоқда.

Ижтимоий барқарорликни таъминлаш барча тараққийпарвар давлатлар каби Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг ҳам устувор йўналиши саналади.

Ижтимоий барқарорликка ижтимоий зиддиятларнинг олдини олиш орқали эришилади. Ижтимоий зиддият эса, ўз моҳиятига кўра замиши сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларнинг ҳаракатлантувчи кучи бўлиб хизмат қилади. Ўзгаришларнинг қай тарзда — ё изчил, тадрижий йўл билан бориши, ё бўлмаса, кескин шакллarga кириши: ижтимоий норозиликлар, стихийли портлашлар, ҳатто фуқаролар урушлари ва инқилоблар тусини олиши тўпналиб қолган ижтимоий муаммоларнинг қай даражада кескинлигига, ҳукмрон тузилмаларнинг бу муаммоларни ҳал қила олиши ёки ҳал қила олмаслигига боғлиқ.

Шу сабабли тараққиётнинг ҳамма босқичларида одамларнинг ижтимоий кайфиятларини, ижтимоий муаммоларни назар-писанд қилмаслик барқарорликка ва миллий ҳавфсизликка катта ҳаф тугдиради¹. Ҳатто айтиш мумкинки, "ижтимоий зиддиятларнинг ҳаддан ташқари кескинлашуви жамиятда ижтимоий барқарорликнинг барҳам топишига, ички можароларга ва ҳатто фуқаролар урушига ҳам олиб бориши мумкин"².

Шу ўринда, "ижтимоий барқарорлик" тушунчасига аниқлик киритиб ўтиш жоиз. Ижтимоий барқарорлик деганда ижтимоий тузумнинг самарали

фаолият кўрсатишига ва ривожланишига кенг имкон яратиб берувчи мустаҳкам ҳолати тушунилади. Ижтимоий барқарорлик ва сиёсий барқарорлик атамалари мазмунан яқин ва бир-бирини тақозо этса-да, назаримизда, ижтимоий барқарорлик атамаси сиёсий барқарорлик атамасига нисбатан кенгрок тушунчадир. Ҳозирда, ижтимоий барқарорликнинг таъминланиши бир қанча омиллар билан боғлиқ ва уларни шартли равишда ички ҳамда ташқи омилларга ажратиш мумкин. Бизнингча, ижтимоий-иқтисодий, диний, миллий-этник, ҳуқуқий ва экологик омилларнинг ички омиллар сирасига киритиш ўринли бўлади.

Ижтимоий-иқтисодий омиллар сирасига янги иқтисодий структурага ўтиш билан боғлиқ барча муаммолар, ишсизлик, ижтимоий муҳофаза, ноқонуний миграция каби масалаларни киритсак бўлади.

Ташқи омиллар сифатида эса сиёсий бекор ҳудудларга (Афғонистон, Яқин Шарқ, Кашмир каби) жўғрофий яқинлик, диний экстремизм, терроризм, нарқобизнес хавфининг мавжудлиги, йирик сиёсий кучларнинг минтақа истиқболидан кўзалган манфаатларида зиддиятлар мавжудлигини кўрсатиш мумкин.

Муайян жамиятдаги барқарорликка таъсир этувчи ички омиллар қаторида ёшлар омилига ҳам эътибор қаратиш ўринли бўлади. Зеро, барча даврларда ҳам ёшлар жамиятнинг энг фаол қисми бўлиб келган.

Республикамиз аҳолисининг 64 фоизини ташкил этган ёш авлодининг соғлом ва ўйгун камол топиши учун зарур имкониятлар ҳамда шарт-шароитларни яратиш, уларни баркамол шахслар этиб шакллантириш бевосита Ватан истиқболи билан боғлиқ вазифа сифатида ҳар доим давлатимиз сиёсатининг марказида бўлиб келмоқда.

Конституциямиз қабул қилинишидан аввал, яъни 1991 йилнинг 20 ноябрида "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ёки Президентимизнинг 1993 йил 4 мартдаги Фармонига мувофиқ таъсир этган мустақил Ватанимизнинг илк ордени — "Соғлом авлод учун" деб номланиши ҳам бу масалага нечоғли эътибор қаратилганидан далолатдир.

"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонунга асосан ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикасида давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидорни жамият манфаатлари йўлида имконият борица тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни қафолатлашдан иборат эканлиги мустаҳкамланган.

Мазкур қонуннинг 4-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ушбу қонун орқали 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқароларга тааллуқли ёшлар оид давлат сиёсатининг асосий негизини белгилаб беради ва уни тегишли қонунларни ривожлантириш ҳамда тизимга солиш учун асос дея эътироф этади.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, "Бугунги кунда бир оддий ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак: олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, унинг-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир".

Истиқлолнинг илк кунлариданок, Ўртобшомиз раҳнамолигида ёшлар тарбияси, уларнинг маънавиятини юксалтириш соҳасидаги ислохотларни тизимли, босқичма-босқич амалга ошириш стратегияси белгилаб олинди. Мазкур ислохотларнинг асосий мақсади вояга етмаганлар ва ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, иқтисодий

ривожланиши манфаатлари йўлида имконият борица тўла-тўқис рўёбга чиқариш учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий шарт-шароит яратиш ҳамда уларни қафолатлашдан иборат.

Дастлабки босқичда собиқ тузумдан мерос бўлиб қолган, вояга етмаганлар ва ёшларни ягона мафкура асосида тарбиялашга хизмат қилувчи маъмурий-бўйруқбозлик тизими ва унинг ҳуқуқий асослари тугатилиб, уларни тарбиялашнинг, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг демократик асослари яратилди. Собиқ Иттифок парчаланиб кетганидан кейин унинг айрим ҳудудларида жуда кескин ва таҳликали вазият юзга келиб, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида радикал кайфиятларнинг, жиноятчиликнинг кучайиши гоёта жиддий хатарга айланган бир вақтда Ўзбекистонда давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати туфайли бундай янгли воқеаларнинг олди олинди. Мазкур даврда вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонуний асослари яратилди, шунингдек, зарур институционал тузилмалар шаклланди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги, "Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида"ги, "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида"ги қонунлар, Фуқаро ва Оила кодекслари қабул қилиниб, вояга етмаганлар ва ёшларни тарбиялаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг замон талабларига мос демократик ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги, Бола-лар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шопиолин чоралар тўғрисидаги конвенциялар ва бошқа бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилди.

Шу асосда мустақилликнинг дастлабки йилларида бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бошчилигида ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол авлодни вояга

етказиш йўлида ҳаётимизда том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган, дунё жамоатчилиги ҳақли равишда эътироф этавган натижаларга эришилмоқда.

Мантиқан бир-бирини тўлдирувчи "Инсон мафсаатлари йили", "Оила йили", "Соғлом авлод йили", "Она ва бола йили", "Сиҳат-саломатлик йили", "Ҳомийлар ва шифокорлар йили", "Ижтимоий ҳимоя йили", "Ёшлар йили", "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили", "Баркамол авлод йили"да ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш юзасидан амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар давлат сиёсатининг амалий ифодаси ҳисобланади.

Шу ўринда яна бир жиҳат: баркамол авлодни тарбиялашда жамиятдаги ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга ёрдам берувчи миллий ва диний бағрикенглик гоаларини ёшлар онгига сингдириш муносиб аҳамият касб этади. Чунки бағрикенглик ёшлардаги ўзгаларга нисбатан мўтадиллик ва мурасосозлик фиалатларини шакллантиришга хизмат қилади. Бағрикенглик кенг қамровли тушуна бўлиб, инсоннинг мўтадиллик, мурасосозлик, сабр-тоқатлилик сифатларини ҳам тарбиялашда устувор ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, "Эндликда олдимизда турган энг муҳим вазифа — ана шу юксак тушуна билан бирга миллий гоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган камол инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгаллари қилиб тарбиялашдан иборат". Зеро, юрт истиқболи, унинг келажак тақдири бугун камол топаётган ёшларимизга, уларга қаратилган эътиборга боғлиқ.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бугунда: ҳавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т.: "Ўзбекистон" 1997 й. 182-б.
² Уша асар.

Доимо эътиборда

Мамаклатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар нафақат аҳолининг турмуш тарзи яхшиланшида, қолаверса, юртимизнинг ҳам тобора ривожланиб боришида яқол намоен бўлмоқда. Жумладан, Президентимиз томонидан жорий йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши бунинг тасдиғидир.

Қува туман прокуратураси томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қатор амалий ишлар қилинаётган. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига туман ҳокимлиги ҳузурдаги "Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 2984 та ҳўжалик юритувчи субъект, шундан 2548 та тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган бўлса, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига жами 3035 та ҳўжалик юритувчи субъект, шундан 2693 та тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтган. Бу кўрсаткич, ўтган йилнинг шу

Алишер КОМИЛОВ,
Қува туман прокурори

даврига нисбатан 105,7 фоизга ўсганлигини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш керакки, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" муносабати билан Қува туманининг мазкур номда ҳудудий Дастури ишлаб чиқилди. Шунингдек, туманда фаолият юритувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратишга қўмаклашиш мақсадида, ҳар ойнинг учинчи шанба кунини тадбиркорлар учун "Очик эшиклар кунини" деб эълон қилиниб, тадбиркорларни қизиқтирган маълумотлар, амалий ёрдам ҳамда ҳуқуқий маслаҳатларни бир жойининг ўзида бериш тизими жорий қилинди. Жорий йилнинг январь-май ойлари давомида, туман ҳокимлиги биносида туман ҳокими ўринбосари раислигида ва туман прокурори, тижорат банклари бошқарувчилари, ДСИ, архитектура ва қурилиш бўлими, кадастр хизмати, молия ва ста-

тистика бўлиmlари, ДСЭНМ бўлими бошликлари иштирокида туманда фаолият юритаётган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари учун 13 мартаба "Очик эшиклар кунини" тадбири ўтказилди.

Уларда иштирок этган тадбиркорларга тадбиркорликка оид қабул қилинган қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти, яратилаётган имкониятлар, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари атофлида тушунирилиб, уларнинг фаолиятига юзга келган муаммолар шу жойини ўзида ижобий ҳал этилди.

Бундан ташқари, туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2011 йил 9 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар бажарилиши устидан прокурор назоратини кўчайтириш тўғрисида"ги 87-сонли бўйруғи ижросини таъминлаш мақсадида тадбиркорлар хонаси ташкил қилинди.

Туманда яқна тартибдаги хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 98 та, оилавий тадбиркорлик ҳамда хунарманчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш ҳисобига 93 та, фермер ва деҳқон ҳўжаликларини (шу жумладан, богдорчилик) ривожлантириш ҳисо-

бига 176 та янги иш ўринлари яратилди.

Туман прокуратураси томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган "Ишонч телефон"и орқали келиб тушган муножабатларни тегишли тартибда ижобий ҳал этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, "Ишонч телефони"га Қува шаҳрида яшовчи, яқна тартибдаги тадбиркор Ш.Атахонов қўнғироқ қилиб, ижарага олган озиқ-овқат дўконидаги савдо терминалининг, "Агробанк" Қува туман бўлимининг А.Убайдуллаев исмли ходими ҳеч қандай сабабсиз ва ҳужжатларсиз олиб кетганлигини маълум қилди. Мазкур ҳолат туман прокуратураси томонидан ўрганилганда, Ш.Атахонов жорий йилнинг март ойи учун белгиланган нақд пул режисини ортиги билан барқарорлиги аниқланди. Шундан сўн "Агробанк" Қува туман бўлими ходими А.Убайдуллаевнинг ҳаракатлари ноқонуний деб топилди ва тадбиркорнинг талаби қаноатлантирилиб, унга савдо терминали қайтарилди. Бундай ноқонуний ҳаракатларнинг келгусида қайтарилмаслиги учун "Агробанк" Қува туман бўлими бошқарувчиси номига тақдимнома киритилди.

Куз кунларининг биринида

Ҳали қуёш ётоғидан бош кўтармай туриб, қишлоқ одамлари ўз тирикчиликларига шўнғиб кетишган. Йиғиб олинмаган экинлардан хабар олиш, бирийўла молларига ўт йиғиб келиш учун далага йўл олган Давроннинг канал четига чиқиб қолган одам жасадига кўзи тушиб, кўрқиб кетди. Шундай бўлса-да, унинг ўлганигига ишонч ҳосил қилиш учун яқинроқ келиб қаради. Таний олмади. Уйига қараб югурди. Деҳқонбой ака ўганининг гапини охиригача эшитмаёқ канал томонга ошиқди.

К ишлоқ жой эмасми, ҳамма бир-бирини танийди, аммо канал суви қирғоққа чиқариб ташлаган жасадни Деҳқонбой ака ҳам таний олмади. Пайсалга солмай участка нозирига хабар етказди. Бу ўтган йилнинг 13 октябридаги воқеа.

Тўй тугаб, меҳмонлар тарқала бошлаган пайтда Марҳамат акани (айрим исм-фамилиялар ўзгартириб берилмакда) сўраб келишди. "Барака топкурлар, қизимнинг туйидаям тинч кўймайсизларми энди?" деб кўчди у мижозларига пешвоз чиқиб. Аммо мижозлар илтимоҳ қилиб, туриб олишди. Марҳамат ака ноилож кўнди.

Хуллас, эртаси кун эрталаб ўзининг "Нексия"сида йўловчиларни олиб, Бухоридан Тошкентга қараб йўлга чиқди.

Пойтахтга етиб келиб, мижозларни "Олмазор" метро бекати яқинида туширгач, шу яқиндаги "Тошкент-Бухоро" йўналиши бўйича йўловчи ташувчи автомашиналар тўхташ жойига борди.

Салкам ўн йилдан буён қирақашлик қилиб оила тебратётган Марҳамат ака кўничи қолган: мижоз борида чарқоқни ениб бўлсам йўлга чиқиш керак, мижоз йўғида сабр билан кутиш.

Аммо у кўп кутмади. Қирқ ёшлардаги бир киши келиб, бугун Бухорога етиб бориши кераклиги-ю аэропорт тарафда юклари билан шериги кутиб турганини айтиб, йўлқира қанча бўлишини сўради. Бироз савдолашган бўлишди. Тезроқ Бухорога қайтишни йўлаб ўтирган хайдовчи кўп савдолашмай, "мижоз"нинг шартига кўнди. Улар аэропорт томон йўлга чиқишди.

Марҳамат ака одати бўйича бошқа таксичи шерикларига қаёққа ва нима учун кетаятиганини айтишни унутмади.

Асли андижонлик, лекин кўп йиллардан буён Олмалиқ шахрида яшаётган Рустам Жумаевнинг икки марта судланиб, жазони ўтаб чиқиб ҳам кўзи очилмаган экан. Аллақачон қирқни қоралаб қолган бўлса-да, на рўзгор қилди ва на бир тайинли ишнинг бо-

шини тутди. Топганини ичкиликка сарфлаб юрaverди.

Ишламаган, бирон бир фойдали иш билан машғул бўлмаган одам, турган гапки, пулга зориқиб юрaverди. Йўқчиликдан безган Рустам Олмалиқни ташлаб Тошкентга келди. Аммо у бошқаларга ўхшаб ишлаб пул топиш учун эмас, жиний йўл билан бойлик орттиришни мақсад қилган экан.

Қариндошининг Сергелидаги эски бир ҳовлисидан бошлана топди. "Кўр кўрни қоронғида топибди" деганича бор экан, айнан шу ҳовлида Дмитрий Юрченко деган слесарь йиғит ижарада яшар эди.

Улар жуда тез тил топишдилар. Сабаби, энди 25 қирган Д.Юрченко ҳали қамалиб улгурмаган бўлса-да, аллақачон бетартиб ҳаёт кўникмаларини ўзлаштириб олишга улгурган экан. Жиноят оламининг кўчаларини кезиб чиққан Р.Жумаевни ўзига "пир" билиб, унинг йўриғига юра бошлади.

— Шуюм ҳаётми, — дейди кўнларнинг бирини унга Р.Жумаев, — Мана сен, эртдан кечгача слесарман деб ишлайсан. Топган пулинг ҳафтагаям етмайди.

— Нима қил дейсиз унда, Рустам ака, — дейди Дима ундан тайинли гап кутиб, — йўлни билсангиз айтинг.

— Битта иш бор, фақат менга шерик керак... — синовчан қарайди унга Р.Жумаев.

— Мана мен-да сизга шерик, ака, — дейди Дима жонланиб.

— Кеча вилоятларга қатнайдиغان "Нексия"лар турайдиган "стоянка"ларни кузатдим. Таксичиларнинг димоғи осмон. Пул кўп уларад...

— Нима, бизам таксичилик қиламизми? — ҳиринглади Дима.

— Бизга унақа иш ярашмайди, нималар даяпсан, укам? — керилди Р.Жумаев. — Хуллас, уларни кузатиб юриб, йўлаб қолдим. Ўзи вилоятдан келган бўлса, четроққа оёриб тинччиб, аравасини пуллаб юборсак, ким билиб ўтирибди?

— Бирийўла ўч-тўртта "статья", тушсак ёмон кетамиз, Рустам ака, — деди Дима бироз икчилангандай бўлиб.

— Унда слесарлигингни қилиб юрaver, мен гапирмадим, сен эшитмадинг, — Ди-



манинг гапидан жаҳли чиқди Р.Жумаевнинг.

Икковиям жимиб қолишди. Дима эшикка йўналди. Бир муддат ўтиб, бир шиша ароқ билан кириб келди. Биргаликда бошлайдиган ишларини "ювишди".

Дмитрий Юрченко Р.Жумаев телефон қилиб шай туришини, битта ўлжа билан бораётганини айтганида "иш"нинг бунчалик тез бошланиб қолганидан ваҳимага тушди. Лекин энди кеч. Рустамга панд бериб қўйса, оқибати яхши бўлмайди.

Гап шундаки, куни кеча улар бир шиша ароқ устида жиний режа тузишган ва ўзаро қўл ташлашган эди. Режага кўра, Р.Жумаев вилоятларга қатнайдиغان таксичилардан бирини алдаб, ўзлари яшаётган ҳовлига олиб келиши, Д.Юрченко эса уни чалғитиб туриши, кейин икковлашиб хайдовчининг жонига қасд қилишлари керак эди.

Дарвоза олдига келиб тўхтаган "Нексия"дан Рустам тушиб, унга "тайёр тур" ишорасини қилди. Дарвоза табақалари ланг очилиб, автомашина ҳовли ичкарасига кирди. Шу заҳоти дарвозани яна ёпишга киришган йиғитга қараб автомашина эгаси — Марҳамат ака тузоққа тушганини тушунди.

— Ёпма дарвозани, — деди у русчалаб Димага.

Дима икчиланиб қолди. Марҳамат ака қайтиб яна рулга ўтиришга ва тезроқ бу ердан чиқиб кетишга чоғланди. Ҳар қандай вазиятга тайёр турган Р.Жумаев бунга имкон бермай, югуриб келиб хайдовчи ташланди. Марҳамат ака унинг зарбаларига чап беролмади. Чалқанча йиқилди. Аммо ўзида куч топиб, Р.Жумаевнинг ёқасидан тутиб, чил берди. Йиқитишга йиқитиб олди-ю, аммо ўзидан анча ёш рақибига кучи етмади. Бунинг устига Д.Юрченко ҳам унинг тарафда бошлади.

Р.Жумаев бутунлай ваҳшиллашиб, ёвуз махлуққа айланди: қўлига темир бўлагини олиб, ерда ётган хайдовчининг бошига кетма-кет ура бошлади...

Котиллик ваҳшиёна бир тарзда содир этилди. Бегуноҳ инсоннинг умрига зомин бўлишди.

Жиноятчилар энди ўз режаларининг кейинги босқичига ўтишди. Аввалига машина салони ва марҳумнинг чўнтақларини тинтиб, пул ва ҳужжатлар, қўл телефонини олишди.

Дима эски "Запорожец"нинг давлат рақами — номерини ечиб келди. Сўнг "Нексия" номерини ечиб, ўрнига ўша "Запорожец"га тегишли давлат рақамини тақиб қўйди. Автомашинани ва хайдовчига тегишли ҳужжатларни эса ёқиб юборишди.

Кеч тушганда Олмалиқ шаҳри томон йўлга чиққан жиноятчилар Пискент тумани худудидан ўтаётганларида машина юкхонасидаги жасадни қанчалга ташлаб юборишди.

Олмалиққа етганларида "Нексия"ни қисмларга бўлиб сотиш мақсадида қўлай жой кидиришга тушишди. Рустам Жумаев эски таниши, илгари уч марта судланиб, жазо ўтаб чиққан Фарит Гариевнинг ҳовлисини мўлжал қилганди. Шаҳарнинг Лугфий қўчасида яшовчи Фаритни кидириб топилди.

"Нексия"ни унинг ҳовлисида қолдириб, кетатуриб Р.Жумаев унга тайинлади: "Бунинг иси чикмасин. Биттасини тинччиб, аравасини буюққа олиб келавердик".

Фарит индамади. Буни ўзича тушунган Р.Жумаев унинг елкасига қоқиб қўйди: "Юрагинг ёрилмасин, ўзинг гуллаб қўймасаңг ҳеч ким билмайди. Машина Бухороники, эгаси каналда оқиб кетган. Биз эса Олмалиқдамыз. Ҳеч қанақа из қолдирмаганман. Айтгандай, сениям қуруқ қўймаймиз. Ана, хоҳлаган запчасини ечиб, сотиб юборавер".

Эртасига улар кун бўйи автомашинани қисмларга ажратиш билан овора бўлишди.

Котиллик аломатлари зуҳур этган номаълум шахснинг жасоди топишган қўниёқ Пискент туман прокуратури томонидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ва суриштирув ишлари бошлаб юборилди.

Бу вақтда марҳум М.Файзуллаевнинг акиси уни кидириб, Тошкентга келган ва таниган-билганларидан укасини суриштириб чиққан эди. Ҳеч қандай натижа чиқмаган,

Шербек ИСАНОВ,
Бош прокуратура бошқарма
катта терговчиси

укасининг бедарак йўқолгани ҳақида Тошкент шаҳар ИИББга ариза билан мурожаат қилди. Қидирув эълон қилинади.

Орадан бир ҳафта ўтиб, М.Файзуллаевнинг акасини чақиртиришади. Пискент тумани худудидан оқиб ўтувчи каналдан топилган номаълум шахснинг жасадини кўрсатишганда, ака ўз жигарини танийди...

Иш анчайин чигал. Бу ҳам етмагандай, тезкор қидирув давомида марҳумга тегишли телефон Паркент туманида яшайдиган бир йиғитдан чиқди. Маълум бўлишча, йиғитча бу телефонни Тошкент шаҳридаги "Янгиобод" бозоридан, қирқ ёшлардаги бир кишидан саксон минг сўмга сотиб олган.

Олмалиқда, Фарит Гариевнинг ҳовлисида эса ҳамон ўғирланган "Нексия"ни қисмларга ажратиб сотиш давом этар. Рустамнинг талаби билан машина эҳтиёт қисмлари битта-биттадан, қунора сотилар эди. Шунда ҳеч кимда шубҳа туғилмайди.

Аммо ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари уларнинг изига тушишга муваффақ бўлишди. Қисқа муддат ичида учовчи ҳам ўзларини панжара ортада қўришди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг очик суд мажлисида Р.Жумаев, Д.Юрченко ва Ф.Гариевларнинг қилмишлари қўриб чиқилди. Судда айбланувчиларнинг ҳар бири ўзига нисбатан эълон қилинган айбловга тўлиқ икдорлигини билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, жазо белгилашда энгиллик берилишини сўради.

Аммо рисоладаги инсонлардай яшай олмайдиган, меҳнатсиз даромад мақсадида бир инсон умрига зомин бўлишга чатаб етиб борган нусхаларга жазо муқаррардир.

Суд жиноятчиларнинг ҳар бирига қилмишига яраша жазо белгилади. Унга кўра, Рустам Жумаев 22 йил, Дмитрий Юрченко 20 йил, Фарит Гариев 4 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Кўрмаганнинг кўргани...

Сатимбай САДУЛЛАЕВ,
Хоразм вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи



мов, Г. Муратова, Ф. Қазақов, Б. Каримов, Б. Сапаев, ТИФ "Миллий банк" Хонка бўлими мутахассиси Ш. Холмедов, Хонка туман ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлимида ҳарбий-лаштририлган соқчилик командаси бошлиғи А. Давлетовлар билан ҳам "келишув" муваффақиятли кечди.

Жиноий гуруҳ аъзоларидан ҳар бирининг вазифаси аниқ тақсимланди. Масалан, қуёви М. Аллабергенов ва унинг дусти ТИФ "Миллий банк" Хонка бўлими мутахассиси Ш. Холмедов билан биргаликда Ш. Холмедовнинг турмуш ўртоғи М. Раҳимов ва штампларни кўлга киритиб, ушбу муҳр ва штамплардан ғаразли мақсадларда фойдаланган. Яъни, фуқаролардан гуруҳ майдасини арзон баҳода нақд пулга сотиб олиб, жамият омухта ем омбори мудирини В. Қиличев, У. Хусайнов ва Н. Хусайновлар билан биргаликда юқоридаги юридик шахслар номидан ҳужжатларга сохта ёзувлар киритиш орқали гуруҳ майдасини қиммат баҳоладлар кирим қилишиб, шу кирим қилинган маҳсулотлар эвазига жамиятдан омухта ем маҳсулот-

лари олишиб, уларни фуқароларга нақд пулга сотиб, "Хонка дон маҳсулотлари" АЖнинг жуда кўп миқдордаги мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлар.

Албатта, М. Хусайнов фақат М. Аллабергеновнинг фаолиятига қараб қолмаган. Укалари, қолаверса, омухта ем омбори мудирини В. Қиличев, лаборатория мудирини Г. Муратова, соқчилик командаси бошлиғи А. Давлетовлар билан бирга ўз жиноятларини яшириш мақсадида жамиятга келтирилмаган максаҳури дони маҳсулотини расмий ҳужжатларни қалбақлаштириш йўли билан жамиятга кирим қилиб, корхона мулкани талон-торож қилишда давом этган.

Укалари кўмағида элеватор мудирини Б. Раҳимовни жалб қилган ҳолда унинг жавобгарлигидаги бугдой маҳсулотларини нақд пулга сотиб юборишган. Шунингдек, жамиятга келтирилмаган бугдойни фуқаролар номидан қайта ишлаб бериш шартини билан деб кирим қилишиб, эвазига жамият омборидан ун, бугдой келпаги ва дон чиқиндиларини қичим қилишган ва нақд пулга сотишган.

Жаноб Хусайнов жиноий йўл билан орттирган даромадлари эвазига "Хонка деҳқон базори" МЧЖдан савдо дўконлари сотиб олган.

Ушбу жиноят ишида М. Хусайнов ва унинг жиноий шериклари томонидан 157 млн. сўмлик маҳсулотларни кирим қилмасдан ўзлаштириш мақсадида сақлаб қўйилганлиги, 1,4 млрд. сўмлик дон маҳсулотларининг расмий ҳужжатларга сохта ёзувлар киритиш орқали талон-торож қилинганлиги маълум бўлди.

Нон ризку рўзимиз. Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш дастури асосида аҳолининг турмуш фаровонлигини яшиллаш, дастурхонимиз тўқинлигини таъминлашда кенг қўламли ишлар амалга ошириладган бир шартда М. Хусайнов каби фақат ўз манфаатларини қўлаб иш кўрайдиганлар қилмишини асло кечириб бўлмади.

М. Хусайнов ва унинг шериклари тегишли тартибда жазога тортидлар.

«Дехимиёна»да етиштирилган «дори»

Хайрулла ҲАСАНОВ,

Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи
Лолахон МАНСУРОВА, журналист

Инсон бирор ишга қўл уришдан олдин пухта режа билан, ақлини ишлаб ҳаракат қилса, ҳеч қачон кам бўлмайди. Лекин ўйламай қилинган ҳар қандай ҳаракат ёки айтилган бир оғиз сўз ҳам кишига кулфат келтириши тайин. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз «Босар-Тусарининг билиб юр, айтар сўзингга эга бўл», дея ўғит беришган.

Шергиронлик Ниёзжон Тўхтаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам эл қатори умргузаронлик қилаётган, бола-чақали инсон эди. Аммо нафс домига илди-ю, унинг ҳаёти бутунлай ўзгариб кетди.

2010 йил 11 июнь куни Бухоро вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ ходимлари томонидан гиёҳвандлик воситаларини файриқонуний айланшига қарши кураш борасида ўтказилган тадбирда Ниёзжон Тўхтаевнинг қилмиши ош бўлди. Унинг Бухоро туманидаги "Дехимиёна" қишлоғида жойлашган ҳовлисидagi томорқаси кўздан кечирилганда, 14х12 метр майдонда 78 туپ, қурилиши тугалланмаган иморатининг биринчи хонасининг 4х4 метр майдонда 56, иккинчи хонасининг 6х2 метр саҳнада 49, жами 183 туپ "каннабис" ўсимлигини экиб етиштирилганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, Н. Тўхтаевнинг ҳовлисидagi омборхона кўздан кечирилганда "Каннабис" ўсимлиги ҳосилдан олиниб, омборхона полининг устига қуритиш учун ёйиб қўйилган хашаги топилди. Шунингдек, 11062 грамм оғирликдаги "марихуанна" гиёҳвандлик воситаси ҳам сақлаб келинаётгани аён бўлди.

Суд жараёнида сўроқ қилинган Ниёзжон Тўхтаев айбига иқдор бўлиб, қуйидагиларни гапириб берди: "2010 йилнинг январь ойидан буён гиёҳвандлик воситасини чекиш йўли билан истеъм қилардим. Утган йили марта ойи ўрталарида уни ўзим экиб, етиштирдим. "каннабис" уругини 2009 йил куз ойида бугдой даласининг четидан топиб олиб, синав тарқасида эккан эдим. Оиламдагилар бундан беҳабар. Ягона бokuвчи эканлигим, икки нафар фарзандим борлигини инобатга олишишга сўрайман".

Суд ҳаёяти судланувчига жазо тайинлашда унинг айбига иқдорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, оиласида икки нафар фарзанди борлиги, ягона бokuвчи эканлиги, "Шергирон" ҚФЙ томонидан ижобий таъсифланганлигини жазони енгилаштирувчи ҳолатлар деб баҳолади.

Ҳукм ўқилди. Судланувчи Ниёзжон Тўхтаев ЖКнинг тегишли моддалари билан 11 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Жиноятчи тегишли жазосини олди. Бироқ, юқорида тафсилотини келтирганимиз, жиноий иш "қаҳрамони" бундай жирканч ишга қўл урмаганида бугун панжара ортида ўтирмасди. Унинг нафс гирдобига тушиши нафақат ўзига, балки оиласи-ю яқинларининг тушуби ҳам доғ туширди.

50 ёшни қоралаган Ниёзжон Тўхтаев аср вабосига айланиб улгурган бу иллатни экиб, парварилар экан, унинг ортидан неча юзлаб инсонларнинг жонига озор етишиб, оилаларнинг бахтсиз бўлиб, фарзандларнинг ногирон туғилишини ўйлаб ҳам кўрмаган. Акс ҳолда, бундай жирканч ишга қўл урмасди. Унинг ёшидагилар оқ-қорани таниган, ҳаётнинг паст-баландини англаб етганларини босиб, ёшларга ўқиб, эзгу амалларга қўл уршиш маслаҳат беришади. Бугун ўз тақдир йўлини калтабинлиги, баднафслиги сабабли панжара ортига бурган Н. Тўхтаев қилмишидан афсус-надоматда. Бироқ, энди жуда кеч.

Умаржон жиноят кўчасига илк қадам қўйганида, эндигина 15 ёшда эди. Ушанда, яъни 2008 йилнинг 30 октябрь куни тонги соат 04:15ларда Олмазор туманида жойлашган "Дўстжонбой ота" масжидига темир панжарадан ошиб тушган Умаржон, аввалга хоналарни айланиб чиқди. "Пичоққа илинадиган" нарсаси қидира-қидира, ахирини, полга тўшалган 2 та гилам билан деворда осилган турган 4 та соатни кўлтқлаганча ташқарига йўл олди. Аммо улгурмади. Уни масжид сўфиси Собир Норматов кўриб, ушлаб олди.

Ушбу иш юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, Умаржон Шухратов суд мажлисида айбига тўлиқ иқдор бўлди. Жиноятга қўл урганига сабаб қилиб, отасининг касаллиги етмаганидек, ишиси эканлигини, ўғай онаси билан акаси эса касалга қараётгани учун оиласининг моддий томондан қийнаётганлигини баён қилди. Шунингдек, сўнги пайтда ўзи ҳам компьютер ўйинларига қизиқиб қолгани учун ҳаражатлари кўпайиб, ўртоқларидан қарздор бўлиб қолганлигини алоҳида таъкидлади.

Суд томонидан унинг вояга етмаганлиги ҳамда муқаддам судланмаган эканлиги инобатга олинди, у амнистия акти бўйича жазодан озод этилган бўлса-да, орадан кўп ўтмай яна

Хато устига хато

жиноятга қўл уради.

Пойтахтда истиқомат қилувчи Малика Салимованин уйига ўғирликка қирган Умаржон 225 минг сўмлик тилла зирак, ҳар бирининг баҳоси 225 минг сўм бўлган 4 дона аёллар тилла узуги ва 135 минг сўмлик тилла занжирини олиб чиқади...

Сентябрь ойининг бошида Умаржон яна ўша туманда пайдо бўлади. Бу сафар Бахтиёр Алиевнинг хонадонига девор орқали ошиб ўтган, 5 та гилам, 24 та чинни коса ва шунча липоқчаларни ўғирлаб чиқади. Бу ўғирлик натижасида хонадон эгасига 896 минг сўмлик моддий зарар етказилади.

6 сентябрь куни З. Ибодов кўчасидаги хонадонлардан бирида яшовчи Сардор Абдурахмонов уйига келган, "HP Pavilion DV 9000" русумли компьютер, чет элда ишлаб чиқарилган қон босимини ўлчовчи аппарат ва спорт сумкасининг ўғирланганини билиб, милицияга хабар беради. Маълум бўлишича, унинг 3 млн. 220 минг сўмлик мол-мулки ўғирланган экан. Афсуски, бу ишда ҳам У. Шухратовнинг қўли бор эди.

Зарифа МАВЛОНОВА,

Олмазор туман прокуратури ёрдамчиси
Гули ҲОЖИБОЕВА,
«Hudud»

Ўғирликни кундалик "юмуш"га айландирган Умаржон 10 сентябрь куни Чаманзор кўчасидаги хонадонларнинг бирига ўғирликка тушади. Бу гал хонадон соҳибининг қоғоз қутида сақлаётган 500 АҚШ доллари, 260 минг сўм пули ва 135 минг сўмлик гиламини ўмаради.

У ҳар қанча яширинишга ҳаракат қилмасин, жавобгарликдан қочиб қутулолмади. Суд унга жазо тайинлашда муқаддам судланганини инобатга олиб, озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади...

Афсуски, Умаржон жазони ўтаб чиққандан кейин бирор касб-корнинг бошини тутмади. "Урганган кўнгил ўртанса қўймас" деганларидек, яна эски хунларини бошлади. Бахтига у мўлжалга олган хонадоннинг эгалари уйда йўқ экан. Шунинг учун ҳам кўчага экилган дарахт орқали бемалол уй томига

ўтиб, у ердан ховлига тушади. Кейин қилиб танапаш йўли билан эшикларни бир-бир очиб бошлади. Хонадон эгасига тегишли қўл телефони, 100 минг сўмлик марварид ҳамда эркаклар кийимига тақилдиган қимматбаҳо тугма ва зажимларни кетишиб олиб кетиш учун тайин бир жойга қўяди. Сўнгра фанарини ёққанча, бошқа хонага киради. У ишга шунчалар берилиб кетади-ки, кўшни уйда яшовчи Музаффар ака фанар билан юрган шарпани кўриб, шубҳалангани-ю, шоша-қилша уй эгаси билан милицияга кўнғироқ қилганини билим ҳам қолади...

Кўшнинг тинч, сен тинч, қабилада иш юритган қўшнинг хушёрлиги ва жонқурлиги тўғайли А. Қосимовнинг уйдаги мол-мулклар сақлаб қолганида.

Эндигина 18 ёшни қоралаган Умаржон Шухратов бўлса, яна суднинг қора курсисидан ўрин олди.

Оиладаги нотинч муҳит ва ота-онанинг фарзандларга эътиборсизлиги, шубҳасиз, болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Халқимизнинг "Касаллиқни доволагандан кўра унинг олдини олган афзал" деган нақли бежиз айтилмайди. Зеро, ўсмирларнинг руҳий қамолати уларнинг келажига, албатта, ўз таъсирини кўрсатади.



Хурматли юрtdошлар!

«Асака» банки (ОАЖ)

Сизларга қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади!

Миллий валютадаги омонат «ТАЪТИЛ-2011»

Сақланиш муддати – 18 ой,

Ҳисобланган фoизлар ҳар чоракда ёки омонат ёпилганда берилади.

Хорижий валютадаги омонат «КАФОЛАТЛИ-1» АҚШ доллариди

Сақланиш муддати – 18 ой,
Ҳисобланган фoизлар ҳар чоракда ёки омонат ёпилганда берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун
«Асака» банк (ОАЖ)
филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
“Автотранспорт” филиали	371	120-39-95
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	225-16-46
Сергели филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
“Фарҳод” филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиарик филиали	373	432-10-11
Қўкон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
“Афросиёб” филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

«Асака» банки (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Бурчига садоқатли



Эл-юрт тинчлиги ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя этишни ўзининг бурчи деб ҳисоблаб, бурчига доимо солиқ, меҳнаткаш ва камтарин инсон, прокуратура фахрийси Ҳусниддин Зайниддинов кутлуғ 60 ёшни қаршиламоқда.

Ҳусниддин Зайниддинович ўз меҳнат фаолияти давомида Термиз шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори, Тошкент вилоят прокуратура тизимига туман прокуратураси терговчиси, прокурор ёрдамчиси, Бекобод ва Пискент туманлари прокурори, Республика Бош прокуратурасида бўлим ҳамда бошқарма прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Ҳусниддин Зайниддинов 32 йилдан ортиқ умрини Республикада эл-юрт тинчлиги ва оқсоқолликни таъминлаш ҳамда фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга бахшида этиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлди. Ишлаш даврида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлиги, изланувчанлиги, самимиёлиги ва фидойилиги билан ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонди.

У кишининг кўп йиллик меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба раббатланган.

Ҳурматли Ҳусниддин Зайниддинович, кутлуғ 60 ёшингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сихат-саломатлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барока тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Футбол — миллионлар ўйини

Биз учун муқаддас ва азиз бўлган Она юртимиз йигирма ёшни қаршилаш арафасида. Юртбошимизнинг ташаббуслари билан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллик ўйини кўтаринки кайфият билан кутиб олиш мақсадида "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" шиори остида қизгин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 6 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан "Мустақиллик кубоги" футбол мусобақаси ўтказилди.

Жорий йилнинг 23 май кунини бошқарма бўлиmlари ва туманлараро футбол мусобақаси бошланди. Икки гуруҳга бўлинган 10 та жамоа ичидан иккитадан команда ярим финал босқичларига чиқибди. Финалда Яққасарой-Бектемир

ҳамда Учтепа-Сергеи терма жамоалари ғолиблик учун кураш олиб боришди. Уйиннинг асосий вақтида жамоаларнинг кучлари тенг келгач, ғолиб номи пенальтилар сериясида аниқланди. Бунда омад Яққасарой-Бектемир терма жамоасига кулиб қокди ва улар "Мустақиллик кубоги" эгасига айланашди.



Кизиги шунда-ки, майдонда 60 ёшни қарши олган Рафазл Бахтияров, 55 ёшли Ҳасан Курбонов каби департамент ходимларининг тўп суришларию, бир қарашда футбол афсонасига айланган дарвозабон Лев Яшинни эслатувчи 50 ёшли Адҳам Бобожоновларнинг хатти-ҳаракатлари барчани ҳайратга солди.

Ғолиблар Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Илҳом Ёриев, устоз шарҳловчи Аҳрор Имомхўжаев, ўзбек футболининг ифтихори, "Бунёдкор" жамоаси бош мураббий Миржалол Қосимовлар томонидан тақдирландилар.

СВОЖДЛКК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси матбуот гуруҳи

Оқсоқол ишончига сазовор бўлиши даркор

/Давоми. Бошланиши 6-бетда/

Бирок... ҳеч ким юрак ютиб буни "юқорида ўтирганлар"га айтмади. Маҳалла ахли "Менга нима!" қабилида қўл силтаганча тарқалиб кетди. Сайловда ютганлар эса "оқсоқол" аёлини гулларга кўмганча уни қаёққадир судраб кетишди.

Маҳалла кўпни бирлаштиради. Негаки, маҳалла иши — умум иши! Бунда барчанинг иштироки бирдек муҳим. Шу маънода, аҳоли ўз ҳаётини қандай қуришни, эртанги кунини маҳалла билан боғлаётган экан, уни бошқарадиган номзод қандай бўлиши ҳақида ҳам бош қотириши лозим.

Айтиш жоизки, "Фуқаролар йиғини оқсоқоли ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўрисида"ги Қонунда таъкидланганидек, ушбу вазифага кўрсатиладиган номзодлар қанда тартиқасида олий маълумотли ва сайлов кунига таъинли хушда доимий яшаган, ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибига, аҳоли ўртасида обрў-эътиборига сазовор ва энг асосийси, ислохотлар шароитида ишлашга қодир кишилар бўлиши керак.

Маҳалла ҳаётининг мароми, аҳиллик ва оқсоқолликни таъминлашдаги муваффақияти кўп жиҳатдан аҳоли томонидан сайлаб қўйиладиган оқсоқола, унинг маҳаллалардаги обрў-эътиборига, билими, тажрибаси, дунёқарашига, ҳалоллигига боғлиқ. Шу боис, сайловлар чоғида ана шу жиҳатларга эътибор қаратиш жоиз. Табиийки, бундай оқсоқоллар бошқараётган маҳаллаларда фуқароларнинг яшашлари учун етарли шароитлар яратилади, инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинади, ижтимоий адолат тамойиллари бузилмайди.

Сир эмас, кўплаб маҳалла оқсоқоллари ўз вазифаларини аҳлининг кам таъминланган қисмига ёрдам пули тарқатишдангина иборат, деб тўшунадилар. Шунинг баробарида, "Бир ойлик ёрдам пулини берсанг, ижтимоий ҳолати ёрдамга муҳтож, дея тўғрилаб бераман", деган ваъдалар ила луқмасини ҳаром билан бўлаётганлар, киссасини "қалпайтириш" гами билан яшаётганлари ҳам йўқ эмас.

Бугун даврнинг талаби, қонуниятий ўзгача. Унга кўра, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш тегишли худуд

да яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда, ишчи гуруҳи томондан амалга оширилади. Уларга доир ҳужжатлар туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли комиссияга сайловдан олдин топширилади.

Демак, бу борада сайловни ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар зиммасига ҳам қатъи масъулият юклатилади. Унинг аъзолари ва раиси шу вақтгача фаолият кўрсатиб келган маҳалла оқсоқолининг ёрдамчисига айлиниб, чизган чизғидан чиқолмай қолмаслиги, балки аҳоли истақ-хоҳишини ўрганиши ва уларга амалий ёрдам қилиши керак. Маълумки, сайловда кўп ҳолларда маҳалладаги барча аҳоли бевоқиф қатнашмайди, балки ҳар бир кўчадан вакиллар сайланади. Айрим ҳолларда, ўша вакиллар оқсоқол истаган фуқаролардан, унинг ҳомийларидангина иборат бўлиб қолади. Бундай ҳолда, сайловда демократия талаб этган натижага эришиш бўлмаслиги аниқ.

Сайлов юзаки, пала-партиш ўтказилган маҳаллаларда эса эртасигаёқ ҳар хил гап-сўзлар, қарама-қаршиликлар бошланади. Сайланган оқсоқол аҳоли бошини қовуштиролмай сарсон-саргардон. Айрим ҳолларда бу қайта сайлов ўтказиш билан юнқулган, баъзида келишмовчилик қарийб янги сайлов муддатигача давом этади. Ана шундай пароканда вазиятдан яхши натижа куттишга ҳаққимизми? Шу боис, сайлов ўтказишда замин ва асос мукамал бўлмоғи зарур.

Ўзини ўзи бошқариш органларига катта умид ва ишонч боғланаётган, уларнинг кенг фаолият юритишлари учун гамхўрлик кўрсатилиб, етарли шароит яратиб берилётган бир пайтда табиийки, оқсоқоллар олдига қўйиладиган талаблар кўлами ҳам ортади. Маҳалла маҳалла-да, оқсоқол аралаш-майдиган масаланинг ўзи йўқ, Эр-хотин, қуда-анда машамашидан тортиб, маҳалла тасаруфидига мактаб, боғча, корхоналарда ҳар кун миғ бир ташвиш, муаммо... Ана шу масалалар оқсоқолнинг бой тажрибаси, мулоҳазаси, ақлли маслаҳати билангина адолатли

ечим топади. Демак, у шунга лойиқ бўлиши керак. Ўзингиз инсоф билан айтинг, ўзига энг бўлмаган инсон бировга кундуз бўла олармиди?!

Биз нега аксар йўл қўйиладиган хатоларга ургу бердик? Илҳам битта — бу гагги фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчилари сайловида бу каби ҳаётлар тақдорланмасин, оқсоқолликдек масъулиятли вазифаларга тасодифий, номуносиб одамлар сайланиб қолмасин.

Яна бир гап. "Маҳалла" жамоатчилиги вилот бўлими раиси Олимжон Нуриддинов билан боғлиб, вилотиймида бу борада олиб борилётган ташкилий ишлар билан қизиқиб кўрдик.

— Сайлов юртимизда давлат ва жамият қурилиши соҳаси ҳамда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга ошириладиган кенг кўламли демократик жараёнларни ўзида ифода этади, — дейди О.Нуриддинов. — Шу боис, маҳаллаларда вилот ва туманлар ҳокимликлари вакиллари, жамғарма бўлим ва бўлинмалари ходимлари иштирокида ўқув семинарлари ўтказилди. "Маҳалла" ҳамда "Нуроний" жамғармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг худудий бўлинмалари вакиллари иштирокида сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар тузилди, тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Айни кунда вилотиймидаги мавжуд қишлоқ ва шаҳарчаларнинг 60 фоизга яқинида сайловлар кўтаринки руҳда ўтказилиб, ишчи гуруҳлари жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Ҳа, фуқаролар йиғинларида сайловлар ўтказилмоқда. Бу жараёнда ҳам халқимизнинг жиғислиги, ўз маҳалласи, юрти тақдирига бефарқ эмаслиги яна бир бор намоён бўлади. Ёнг асосийси, аҳоли ўз ҳаётини қандай қуришни, эртанги кунини қандай бўлишини иста-са, бунга ўзи ёқлайдиган номзодлар орқали эришиши мумкин. Демак, ушбу сайлов ўртадошларимиз учун жуда аҳамиятли. Бу ҳам Ўзбекистонда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг яна бир устун жиҳати.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази, Самарқанд вилоят прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси **Ҳамид Жўраев**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг онла аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси жамоаси ва «Ферезсизлик ҳам Нызам» (Истиқлол ва Қону)газетаси таҳририяти жамоаси газета бosh муҳаррири Парахат Хабибуллаевага онаси **Аманша қиз Оразгул** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим катта прокурори Улуғбек Жалоловга онаси **Гулчехра** онанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади

Huquq

юрidik gazeta

Muassis:
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV Baxtiyor NAZAROV
Muxtor ZOIROV (Bosh muharrir o'rtinbosari)
Gulnoza RAHIMOVA
Yusupboy G'OIPOV Shavkat YODGOROV
Svetlana ORTIQOVA (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko' chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma **J-1974 52 556** nusxada bosiladi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teridli va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: **M.DUSIYAROVA**
Musahhih: **M.QAMBAROV**
Navbatchi: **O. DEHQONOV**

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 12.34.5 6.7 8.9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyoti matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonaga manzil: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot
va axborot agentligida
2009-yil 12-oktabrda
0188-raqam bilan
ro'yatga olingan.

